

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

Енгил атлетика бўйича
мусобақаларда котибият ишини
ташқил этиш

Усулий қўлланма

ТОШКЕНТ – 2010

Муаллиф:

Шакиржанова К.Т. – педагогика фанлари номзоди, профессор, миллий тоифадаги ҳакам, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий.

Такризчилар:

Нажимов Ш.Ф. – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий,

Керимов Ф.А. – педагогика фанлари доктори, профессор.

Усулий қўлланма ЎзДЖТИ қошидаги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва нашр этиш учун тавсия қилинган.

© ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа
бўлими, 2010 й.

Кириш

Тайёрланган усулий қўлланма талабаларнинг шу мавзусидаги билими ва кўникмаларини чуқурлаштириш ва малакасини оширишга мўлжалланган. Енгил атлетика бўйича мусобақаларни тайёрлаш ва ўтказишда бош котиб ҳамда котибият ишларини ташкиллаштириш ва ўтказиш кўп вақт, куч ва муайян ҳаракатларни талаб қилади.

Ҳозирда Ўзбекистонда енгил атлетика бўйича мусобақаларнинг бош котиби вазифасини кўпи билан 10 киши уддалай олади. Шу сабабли тайёрланган усулий қўлланма талабалар ҳамда ёш ҳакамларнинг мусобақаларга ҳакамлик қилиш масалаларига доир билимларни эгаллаши ва уларга ўз вақтида ҳозирлик кўриши учун жуда қулай.

Усулий қўлланмада бош котиб фаолиятининг жуда муҳим ҳолатлари кўрсатилган ва улар мусобақа жараёнида кўп хатоликларни бартараф этишга ёрдам беради. Бу дегани ҳар бир спортчи ҳакамлик қила олади дегани эмас. Бунинг учун кўплаб мусобақаларда иштирок этиш ва керакли кўникма ва тажрибаларни орттириш зарур бўлади.

Усулий қўлланмада котибият ишини тайёрлаш ва ташкил қилиш, ҳакамлик усулияти масалаларини кўриб чиқишга ҳаракат қилинди, ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Агар мутахассислар усулий қўлланмани тайёрлашда назардан четда қолган нуқталарни топиб, камчиликларни тўлдирсалар, улардан миннатдор бўлар эдик. Барча таклиф ва эътирозларни муаллиф ЎзДЖТИ енгил атлетика кафедрасига жўнатишни илтимос қилади.

I. Вазифалар

- Мусобақаларни ўтказиш учун зарур бўлган барча материаллар ва ҳужжатларни тайёрлаш;

- Мусобақа иштирокчилари кўрсатган натижаларга тезкор равишда ишлов бериш, уларни тизимлаштириш ва шахсий ҳамда жамоа биринчиликларида ғолибларни аниқлаш;

- Натижалар ва жамоавий беллашувларнинг бориши тўғрисидаги маълумотларни иштирокчилар, жамоаларнинг вакиллари, матбуот ҳамда томошабинлар эътиборига ўз вақтида етказиш;

- Расмий материалларни босиб чиқариш (техник ҳисобот).

II. Тузилиши

Котибият ишига бош котиб раҳбарлик қилади. У котибият ҳакамларининг ўзaro, шунингдек, котибият ҳамда ҳакамлар ҳайъатлари ва хизматлари орасидаги ҳужжатлар айланиши билан боғлиқ барча ҳатти-ҳаракатлари изчиллигини белгилайди, ўтказилаётган муайян бир мусобақада ҳужжатлар айланишининг ахборотлар оқими умумий схемаси асосидаги схемасини ишлаб чиқади.

Котибият фаолияти схемасини ишлаб чиқишда ҳужжатлар рўйхати ва ахборот турларини белгилаб олиш уларни турли тоифадаги фойдаланувчиларга етказиб бериш усуллари ва воситаларини аниқлаш зарур.

- иштирокчиларга — жамоа вакиллари орқали;

- ҳакамлар ҳайъатига — бевосита котибият орқали;

- матбуот вакилларига — матбуот маркази ёки котибият орқали;

- томошабинларга — ахборот хизмати орқали.

Ҳар бир мусобақада котибият фаолиятининг тузилиши ва технологияси унинг даражаси ҳамда техник жиҳозланганлигига кўра аниқланади.

Котибият фаолияти шартли равишда уч асосий босқичга бўлинади:

- мусобақаларга тайёрланиш;
- бевосита мусобақаларни ўтказиш;
- техник ҳисоботни расмийлаштириб, топшириш.

Мусобақаларга тайёрланиш

Котибиятнинг мусобақаларга қадар бажарадиган ишлари.

Тайёргарлик даврида (мусобақалар бошлангунига қадар) Бош котиб катта ишларни амалга ошириши керакки, улар мусобақа жараёнида юз бериши мумкин бўлган қатор англашилмовчилик ва хатоларнинг олдини олади.

I. Низомни ўрганиш:

1. Мусобақалар дастури, жамоалар таркибини, котибиятнинг миқдорий таркиби (с) ҳамда бланклар, қоғоз ва бошқа моддий таъминот ашёларининг зарур миқдорини аниқлаш учун жамоавий ҳисоб турларини таҳлил қилиш.

2. Низомнинг қуйидагиларга нисбатан турлича талқин этилиши мумкин бўлган бандларини аниқлаш:

- жамоалар жойини белгилаш тартиби;
- иштирокчиларнинг навбатдаги мусобақа даврасига ўтиши тартиби;
- иштирокчиларнинг шахсий жойларини белгилаш тартиби;
- параллел ҳисоб имкониятлари;
- иштирокчиларни жойларга, серияларга тақсимлаш йўли;
- шахсий биринчилик ва в/к га қўйиш;
- қуръа ташлаш йўли ва ҳ.к.

Мазкур масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар ва киритилган аниқликлар жамоа вакилларига етказилиши шарт.

3. Низомда техник тур бўйича малакавий меъёрлар, сакраш турида планкани кўтариш тартиби тўғрисидаги кўрсатмаларнинг мавжудлиги.

II. Мусобақа ўтказувчи ташкилот билан ишлаш.

Мусобақалар талаб даражасида ўтказилиши учун уларни ўтказаяётган ташкилот олдида бир қатор масалалар қўйилиши ва ижобий ҳал этилиши зарур:

1. Оддий ва намоёиш этилувчи қайдномалар, рекордларни қайд этиш далолатномалари бланкларининг мавжудлиги.

2. Нусха кўчириш ускуналари, қоғоз, девонхона ашёлари билан таъминлаш имкониятлари.

3. Малакали компьютерчилар (машинисткалар), рассомлар, нусха кўчириш ускуналарида ишловчи ходимларнинг мавжудлиги.

4. Мусобақа ўтказиш учун сарфланадиган ҳаражатлар сметаси, котиблар ва техник ходимларга ҳақ тўлаш тоифалари ва тартиби.

5. Ҳакамлар ҳайъати ва котибиятнинг миқдорий таркиби.

6. Таклиф этиладиган ҳакамлар таркиби рўйхати. Бошқа шахарлик ҳакамлар рўйхати, зарур кишиларни чақириш имкониятлари.

7. Рекордлар рўйхатини олиш.

8. Иштирокчиларни шахсий биринчилик ва ж/б.га киритиш тартиби, ким ва қанча муддатда киритади.

9. Кўкрак рақамларининг зарур миқдордаги тўпламлари мавжудлиги.

10.Талабномаларни қабул қилиш жойи ва вақти.

11.Якуний материалларнинг зарур миқдори.

12.Мусобақа тўғрисида тақдим этиладиган ҳисобот шакли.

13.Қуръа ташлаш кимга топширилади.

14.Узоқда жойлашган спорт иншоотларидан мусобақа натижаларини етказиш воситалари.

15.АБТ мавжудлиги (автоматик бошқарув тизими).

16.Котибият материаллари кимга берилади.

17.Узоқда жойлашган стартлардан (мас., кроссда) старт қайдномаларини етказиш учун алоқачиларни ҳаракат воситалари билан таъминлаш.

18.Халқаро мусобақа ва учрашувлар ўтказилганда:

- материаллар нашр этиладиган тиллар;

- котибият учун таржимонлар;

- чет тилларидаги атамаларни аниқлаштириш;

- котибиятнинг жамоа вакиллари билан алоқаси.

III. Бош котиб билан мувофиқлаштириладиган масалалар.

1. Низомнинг барча бандлари талқини ҳамда мусобақалар регламентини мувофиқлаштириш.

2. Котибият ва нусха кўчириш ускуналари имкон қадар бир меъёрда ишлаши, шунингдек, жамоавий натижаларнинг тез ҳисоб-китоб қилиниши ва мусобақаларнинг сўнгги кунда натижаларни зудлик билан босмадан чиқариш учун имкон яратиш нуктаи назаридан дастурнинг барча тур ва босқичларини ўтказиш жадвали лойиҳасини таҳлил этиш.

3. Мусобақалар бошлангунига қадар жамоа вакилларига эълон қилиш зарур бўлган масалалар рўйхатини тайёрлаш.

4. Жамоа вакиллари кенгашини ўтказиш муддатлари ва жойи.

5. Жамоа вакилларининг куръа ташлашда қатнашишига рухсат бериш тўғрисида.

6. Котибият таркибини (миқдорий жиҳатдан ва номманом) мувофиқлаштириш.

7. Шахсий ва жамоавий натижаларни тасдиқлаш тартиби.

8. Котибиятнинг Бош ҳакам, унинг муовинлари ва рефери билан тезкор алоқа қилиш йўллари.

9. Диспетчерлик жадвалини тайёрлаш муддати.

10. Мусобақаларга қадар ва улар ўтказилаётган даврда ҳакамлар ҳайъати материалларини компьютерчилар (машинисткалар) ва нусха кўчириш ускуналари зиммасига юклаш.

11. Талабномалар, қайта талабномалар бериш, шикоятномаларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш муддатлари.

12. Бош ҳакам, унинг муовинлари, рефери орасида вазифаларнинг тақсимланиши.

13. АБТ билан ўзаро муносабатлар.

14. Бош ҳакам, унинг муовинлари, рефери, апелляцияси ҳайъати, маррадаги катта ҳакам, катта вақт ўлчовчи ҳакам, мусобақа ўтказувчи ташкилот вакилининг имзо намуналари.

15. Старт баённомалари ва якуний материалларни жамоа вакилларига топшириш вақти ва тартиби.

16. Иштирокчиларнинг йиғилиш ва бадан қиздириш машқларини ўтказиш жойлари (қайдномалар ва оралиқ натижалар намойиш этиладиган тахталар миқдори).

17. Котибият томонидан мусобақалар тўғрисидаги ҳисобот учун тайёрланадиган масалалар рўйхати.

IV. Мандат ҳайъати.

1. Котибият ва иштирокчилар ҳамда жамоаларни мусобақаларга киритиш бўйича ҳайъатнинг иш вақти ва жойини мувофиқлаштириш.

2. Мандат ҳайъати ходимларининг имзо намуналари ҳамда иштирокчилар ва жамоаларни мусобақаларга киритиш бўйича қарорларнинг турлари.

3. Жамоалар ва иштирокчиларни кўшимча талабномалар бўйича кўшимча равишда мусобақаларга киритиш тартиби.

4. Мандат ҳайъатининг мусобақалар тўғрисидаги ҳисоботга тақдим этадиган маълумотлари рўйхати.

V. Матбуот маркази.

1. Котибият матбуот марказига тақдим этадиган ҳужжатларнинг турлари, миқдори ва тақдим этиш вақти.

2. Нусха кўчириш ускуналаридан ҳамкорликда оқилона фойдаланиш имкониятлари.

3. Ахборот алмашиш учун тезкор алоқа шакллари (иштирокчилар ва жамоалар таркибидаги ўзгаришлар, жадвалнинг ўзгариши; натижаларни аниқлаштириш, иштирокчилар рақамининг ўзгариши, рекорд натижалар ва ҳ.к.).

VI. Тиббий таъминот бўйича бош котиб муовини.

1. Тақдим этилган жамоавий талабномаларни назорат қилиш вақти ва жойи.

2. Мусобақалар ўтказилаётган вақтда тиббиёт ходимларининг спорт иншоотларида жойлашуви. Спортчиларни тиббий кўрсаткичлари бўйича мусобақаларда иштирок этишдан озод қилувчи ҳужжатларнинг намуналари.

3. Мусобақаларда иштирок этишдан озод қилинган спортчилар тўғрисида хабар бериш учун тиббий хизматнинг котибият билан тезкор алоқасини таъминлаш йўллари.

VII. Стадион маъмурияти.

1. Котибият фаолият кўрсатадиган жой.

2. Котибият фаолияти учун зарур бўлган асбоб-анжомларнинг мавжудлиги.

3. Ёруғлик манбаларининг ярқилилиги, нусха кўчириш ускуналари учун разеткаларнинг мавжудлиги.

4. Намойиш тахталари учун жойлар ва уларни жиҳозлаш.

5. Котибият хоналарида ҳужжатлар ва жиҳозларнинг дахлсизлигини таъминлаш.

6. Стадион учун зарур бўлган ҳисобот бериш турлари.

VIII. Ахборот хизмати.

1. Ахборот хизматининг котибиятдан олинган дастлабки материаллар (тақдимномалар, пойга ва сериялар таркиби ва ҳ.к.) билан ишлаш вақти ҳамда жойи.

2. Котибиятнинг ишчи ҳужжатлари (ишчи қайдномалар, якуний материаллар ва ҳ.к.) шаклини мувофиқлаштириш.

3. Ахборот хизматига пойгалар таркибидаги ўзгаришлар, кўкрак рақамларининг алмаштирилганлиги, натижалар, рекордлар, жадвалларнинг ўзгариши ва б. ҳақида хабар бериш учун тезкор алоқа шакллари.

4. Ахборот хизмати фаолияти учун зарур бўлган котибият ҳамда матбуот маркази материаллари миқдори (старт қайдномалари, оралиқ ва финал натижалари, жамоавий курашнинг бориши ва ҳ.к.).

5. Ахборот хизмати томонидан котибият материалларини қабул қилиб олиш шартлари.

6. Рекордлар рўйхатини текшириш.

IX. Котибият ходимлари (котиблар).

1. Мусобақалар Низоми ҳамда регламенти билан танишув:

- бош ҳакамлар ҳайъати таркиби;

- жамоалар таркиби;

- мусобақа дастури;

- жамоа ҳисоби турлари;

- иштирокчиларнинг мусобақа давралари бўйлаб ҳаракатланиши тартиби;

- шахсий ўринларни аниқлаш тартиби;

- котибият томонидан чиқариладиган ҳужжатлар турлари ва миқдори;

- якуний материалларни бериш муддатлари;

- қайта талабнома ва қўшимча талабнома қабул қилиш муддатлари ҳамда тартиби;

- ҳакамлар ҳайъатининг асосий хизматлари билан ўзаро муносабат шакллари;

- бошқа хизмат билан тезкор алоқа шакллари;

- ҳакамлар гуруҳларига қўйиладиган талаблар;

- бошқа хизматларга котибият материалларини етказиш тартиби.

2. Иш вақти тартиби ва уни ҳисобга олиш.
3. Котибият ходимларини бир-бири билан таништириш.
4. Вазифаларни тақсимлаш.
5. Спорт иншоотларига кириш рухсатномаларини бериш.
6. Жамоа вакиллари билан ишлаш тартиби.

X. Материалларни тақдим этиш тартиби ва қуйидагилар билан тезкор алоқа шакллари:

- диспетчер билан;
- иштирокчиларни тайёрлаш хизмати билан;
- старт гуруҳи билан;
- марра гуруҳи билан;
- назоратчи билан;
- апелляция ҳайъати билан;
- АБТ билан;
- ташкилот раҳбарияти билан;
- **полевými бригадами;**
- табло хизмати билан;

Котибиятнинг тузилиши

Бош котиб унинг муовинлари	Диспетчер
----------------------------	-----------

Хужжатларни бериш гуруҳи	Ҳакамлар хужжатларини қабул қилиш гуруҳи	Статистика ва рекордлар гуруҳи	Варақаларга ишлов бериш гуруҳи	Жамоавий натижалар гуруҳи
--------------------------	--	--------------------------------	--------------------------------	---------------------------

Маълумот бериш гуруҳи

Материаллар кўпайтириш гуруҳи

Турли тоифали мусобақаларда гуруҳлар ва улардаги котиблар миқдори ўзгариши мумкин. Барча ҳолларда котибиятнинг ўзига хос тузилишини ҳамда иш тартибини ишлаб чиқиш лозим.

Бош котибнинг фаолияти

Бош котиб мусобақанинг бош ҳакамига бўйсунди. Бош котибнинг мажбуриятлари:

- бош котибият аъзолари орасида вазифаларни тақсимлаш ва уларнинг ишини ташкил этиш;

- шахсий ва техник талабномаларнинг қабул қилинишини ташкил этиш (иштирокчиларни мусобақаларга киритиш ҳайъати билан ҳамкорликда);

- қайдномаларни тайёрлаш ва уларни барча хизматларга тарқатиш;

- алоҳида спорт турлари бўйича котиблар гуруҳларига кўрсатмалар бериш ва улар фаолиятини назорат қилиш;

- шахсий ва жамоавий мусобақалар, шунингдек, кўпкурашлар натижаларини чиқариш;

- рекорд далолатномалари тузилишининг тўғрилигини таъминлаш ва назорат қилиш;

- натижалар тўғрисидаги маълумотларни босиб чиқариш ва нусхасини кўпайтиришга раҳбарлик қилиш;

Стартёр ва унинг ёрдамчилари

1. Стартёрлар ҳайъати таркибига кирадиган ҳакамлар стартёр этиб тайинланиши мумкин.

Асосий стартёрнинг энг муҳим вазифаси – иштирокчиларнинг ҳам старт сигналигача югуришни бошлаб юбормайдиган тарзда старт беришдан иборат, қўшимча стартёрларнинг вазифаси – агар иштирокчилар старт қондасини бузган бўлсалар ва асосий стартёр уларни қайтармаган бўлса, тўхташ ва жойларига қайтиш учун сигнал беришдан иборат.

Стартёрнинг мажбуриятлари:

- иштирокчиларнинг келганлигини текшириш, старт баённомасига қайд этиш, кейин маррадаги котибга топшириш;

- стартда мавжуд жиҳозларни текшириш;

- стартда иштирокчилар эгаллаган ҳолатнинг тўғрилигини текшириш;
- агар олдинроқ қуръа ташланмаган бўлса, уни амалга ошириш.

Маррадаги ҳакамлар

Маррадаги ҳакамлар тўғридан-тўғри кузатиб ёки махсус асбоб-ускуналар ёрдамида иштирокчиларнинг маррага етиб келиш тартибини (кетма-кетлигини) аниқлайдилар, ўрта ва узоқ масофаларга югуришда давралар ҳисобини олиб бордилар.

Қисқа масофаларга югуришда (400 м.гача) ҳакамлар маррага етиб келган пойганинг алоҳида қатнашчиларига орасидаги масофани марра чизиғи олдидаги 5 метрлик белги чегарасида аниқлайдилар, ҳакамлар варақасини тўлдириб, уни катта ҳакамга берадилар.

Вақт ўлчовчи ҳакамлар

Вақт ўлчовчи ҳакамлар ҳайъати таркибидан вақт ўлчовчи ҳакамлар тайинланади. Улар югуриш ва юриш бўйича мусобақа иштирокчиларининг масофани босиб ўтиш вақтини аниқлайдилар. Масофани биринчи бўлиб якунлаган иштирокчи кўрсатган вақтни кўл секундомерларидан фойдаланган ҳолда уч нафар вақт ўлчовчи ҳакам қайд этиши керак.

Фотомаррадаги ҳакамлар

Фотомаррадаги ҳакамлар фотомарра тизимига бириктирилган махсус ускуналар ёрдамида югуриш ҳамда юриш бўйича натижаларни: иштирокчиларнинг маррага етиб келиш тартиби ва уларнинг масофани ўтган вақтини аниқлайдилар.

Масофадаги ҳакамлар

Масофа ҳамда тўсиклар олдидаги ҳакамлар:

- масофа босиб ўтилиши, эстафета таёқчасининг узатилиши ва барьерлардан ошиб ўтиш тўғри бажарилаётганлигини кузатадилар,

қулаган барьерлар ўз вақтида жойига қўйилишини назорат қиладилар.

Шамол тезлигини ўлчовчи ҳакамлар

Шамол тезлигини ўлчовчи ҳакамлар 200 м.гача масофаларга югуриш ҳамда узунликка ва уч ҳатлаб сакраш бўйича мусобақалар ўтказилаётган вақтда махсус ускуналар ёрдамида югуриш йўналишидаги шамолнинг ўртача тезлиги катталигини аниқлайдилар.

Сакраш ва улоқтириш бўйича ҳакамлар

Сакраш ва улоқтиришларнинг ҳар бир тури бўйича мусобақалар ўтказиш учун катта ҳакам, ўлчовчи ҳакамлар ҳамда котибдан иборат ҳакамлар гуруҳи тайинланади.

Мусобақа ўтказиладиган жойлар, жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни тайёрлаш хизмати ҳакамлари

Жиҳозлар ва асбоб-ускуналар бўйича ҳакамлар:

- югуриш йўлакчаси, сакраш ва улоқтиришлар бўйича мусобақалар бадан қиздириш машқлари ўтказиладиган жойларда белги чизиқлари тўғри чизилганлигини текширадилар;
- жиҳозлар маркировкасини текширадилар;
- мусобақалар ўтказиладиган жойларга жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш ҳамда уларни йиғиб олиш ишларининг режа-жадвалини тузадилар.

Статистика ва рекордлар гуруҳи

- турли статистик маълумотларнинг ҳисоб-китоби билан шуғулланади;
- янги рекордлар, спорт устаси ва ҳалқаро тоифадаги спорт устаси унвонлари учун меъёрларнинг бажарилишини кузатади;
- рекорд натижалар учун далолатнома тайёрлаб, расмийлаштиради;

- рекордлар текширилганидан кейин ҳакамлар ҳужжатларини қабул қилиб олиш гуруҳидан олинган иштирокчилар варақаларини уларга ишлов берувчи гуруҳга жўнатади;

- материаллардан нусха кўчириш гуруҳидан якуний қайдномалар нусхасини олади;

- мусобақалар давомида тегишли қайдларни кирита бориб, бош ҳакам ҳисоботини тайёрлайди.

Иштирокчиларнинг варақаларига ишлов бериш гуруҳи

- якуний қайдномаларни босмадан чиқариш учун олинган варақаларга тўла ишлов бериш билан шуғулланади;

- ишчи қайдномалардаги натижаларни иштирокчиларнинг шахсий варақаларига кўчиришни амалга оширади;

- кўрсатилган натижа қайси разрядга мувофиқлигини белгилайди;

- дастурнинг ушбу турида иштирокчи эгаллаган ўринни белгилайди;

- натижани очколарда баҳолайди (жумладан, рағбатлантирувчи очколарни);

- шамол тезлигини кўрсатади;

- иштирокчиларнинг варақаларини жамоавий натижалар гуруҳига етказилади.

Ҳар бир гуруҳнинг иш тартиби

1. Ҳужжатларни берувчи гуруҳ;

- барча ахборот истеъмолчиларини босмадан чиқарилган материаллар билан таъминлайди;

- старт қайдномаларини мусобақалардан камида 1 соат 30 дақиқа олдин осиб қўяди;

- старт, оралик ва якуний қайдномаларни қуйидаги рўйхат асосида тақдим этади:

Старт қайдномалари

БҲҲ – ГСК

Назоратчи

Оралик (давралар бўйича)
ва якуний

Назоратчи

Мусобақа ўтказувчи

		ташкilot
Мусобақа	ўтказувчи	Табло
ташкilot		
Иштирокчилар		Ахборот
йиғиладиган назорат пункти		
Пешлавҳа	(намойиш	Матбуот маркази
тахтаси)		
Старт		Жамоалар вакиллари
Диспетчер		Вакиллар учун пешлавҳа
		(намойиш тахтаси)
Табло		Маълумотлар маркази
Ахборот		Котибиятнинг статистика
		гуруҳи
Маълумотлар маркази		
Жамоалар вакиллари		
Матбуот маркази		
Ҳакамлар гуруҳи		
Мукофотлаш		
Допинг-назорат		
Масофа		
Фотомарра		

2. Ҳакамлар ҳужжатларини қабул қилиб олиш гуруҳи:

- иштирокчиларни мусобақаларга қўйиш ҳайъатидан талабнома ҳамда варақаларни олади, уларни текширади ва қуръа ўтказиш, старт ҳамда ишчи қайдномаларини босиб чиқариш учун тахлайди;

- ҳакамлар ҳужжатларини қабул қилиб олади ва уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади.

Котибиятга тушган ҳужжатлар ушбу жиҳатлардан текширилади:

А) ҳакамлар гуруҳидаги расий шахслар ҳамда бош ҳакамнинг иш бўлимлари бўйича муовини ёки рефери имзолари қўйилганлиги;

Б) дастурдаги югуриш турлари бўйича старт қайдномаларининг мавжудлиги;

- намойиш тахтасига ўтказилган мусобақа давралари қайдномаларининг нусхаларини осиб қўяди.

Котибиятнинг намойиш тахтаси: “мусобақаларнинг старт қайдномалари”, “мусобақа натижалари қайдномалари”, “эркаклар”, “аёллар” кўрсаткичларига эга бўлиши лозим. Унда: афиша, мусобақалар ўтказилаётган жойлар ҳамда хизматларнинг манзили, мусобақалар жадвали ва шартлари, иштирокчи жамоалар таркиби, жамоавий мусобақаларнинг бориши жадвалини жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ахборот материаллари осилган пешлавҳалар спортчилар, вакиллар ҳамда томошабинларнинг танишиши учун қулай жойларда ташкил этилади.

Мусобақаларнинг навбатдаги давраси таркиби мусобақалар ўтказилаётган кунларда тузилиб, уларнинг старт қайдномалари мусобақа тури бошланишидан камида 1 соат аввал осиб қўйилади.

Яқуний натижалар (ишчи қайднома нусхалари) мазкур тур бўйича мусобақалар тугаган заҳоти осилади.

Мусобақа раҳбариятининг иштирокчиларга берадиган хабарлари ахборот тахтасига дарҳол осиб қўйилади:

- спорт тури бўйича мусобақалар тугаганда, иштирокчиларнинг варақаларини статистика ва рекордлар гуруҳига жўнатади;

- мусобақаларнинг навбатдаги давраси ўтказилган ҳолларда қуръа ташлашга тайёрланади ва варақаларни нусха кўчириш гуруҳига жўнатади;

- қайдномалар ва бошқа ҳакамлар ҳужжатларини архивда тўплайди, яқуний қайднома босиб чиқарилганидан сўнг варақалар ҳам нусха кўчириш гуруҳидан шу ерга қайтарилади;

- мазкур тур бўйича барча гуруҳ ва давраларнинг материалларини (қайдномалар, варақалар) бир тўпга (подборга) йиғади.

Гуруҳларнинг котибларидан олинган қайдномаларга ишлов беришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

- дастурдаги югуриш турларида иштирокчиларнинг варақаларига фақат катта ҳакам ва катта вақт ўлчовчи ҳакамнинг марра варақаларидан ёки фотомарра қайдномаларидан олинган натижаларгина қайд этилади. Айни вақтда улар томонидан мусобақаларнинг ишчи қайдномасида натижалар ва иштирокчиларнинг етиб келиш тартиби тўғри қайд этилганлиги текширилади;

- сакраш ва улоқтиришларда – ишчи қайдномадан натижаларни шахсий варақаларга кўчириш вақтида қайдномага тегишли белги қўйилади;

- иштирокчиларнинг шахсий варақаларини натижаларига кўра эгаллаган ўринларига қараб тахлаган вақтда масофадан чиқиб кетган, дисквалификация қилинган, мусобақага келмаган ҳамда танловдан ташқари иштирок этганларнинг варақалари охирига жойлаштирилади. Масофадан чиқиб кетган, дисквалификация қилинган, мусобақага келмаган ҳамда танловдан ташқари ҳисобланган иштирокчилар жамловчи қайдномага тартиб рақами кўрсатилмаган ҳолда киритилади;

- мусобақаларда кейинги давраларнинг иштирокчилари югуриш дастурининг ҳар бир турида кейинги даврага чиқиш шартларига мувофиқ равишда аниқланади. Ярим финал ва финалда пойгалар бўйича ва йўлкача учун қуръа ташлаш албатта ўтказилиши шарт;

- сакраш ва улоқтиришларда малакавий меъёрларини бажарган ёки малакавий мусобақаларда энг яхши натижа кўрсатган 12 нафар спортчи асосий мусобақаларга қўйилади. Асосий мусобақаларда қуръа ташлашни ўтказиш мажбурий ҳисобланади;

- спортчи кўрсатган разряд иштирокчининг варақасида мусобақаларнинг энг яхши натижаси тартибига кўра (мусобақаларнинг қайси давраси эканлигидан қатъи назар) қайд этилади;

- спортчи кўрсатган натижани жамоа ҳисобига киритиш учун баҳолаш асосий мусобақалар бўйича ўтказилади.

I. Дастурдаги югуриш турларида иштирокчиларнинг эгаллаган ўринларни аниқлаш

1. Бир давра мусобақаси ўтказилганда, эгаллаган ўрин энг яхши натижага кўра аниқланади.

2. Бир неча даврала мусобақа ўтказилганда, мазкур масофада ғолибни ҳамда спортчилар эгаллаган ўринларни аниқлаш, иштирокчилар мусобақанинг дастлабки давраларида кўрсатган вақтдан қатъи назар, финал натижаларига кўра амалга оширилади. Финалга чиқмаган иштирокчилар орасида ўринлар финалдан аввалги давраларда кўрсатилган натижалар бўйича тақсимланади.

3. Кўшимча финаллар ўтказилганида, спортчиларга ўринлар “А” финал натижалари, кейин “Б”, “В” финали, кейин эса финалчилар таркибига кирмаган иштирокчилар кўрсатган натижаларга кўра тақсимланади.

4. Мусобақанинг бирор босқичига узрсиз сабаб билан келмаган спортчи дисквалификация қилинади, унинг натижаси эса бекор қилинади. У, шунингдек, бошқа турлар (жумладан, эстафетали югуриш) бўйича мусобақаларда қатнашишга ҳам қўйилмайди.

5. Узрли сабаб билан келмаган спортчи мусобақанинг мазкур даврасида охириги ўринни эгаллайди.

II. Баландликка ва лангарчўп билан сакрашларда

1. Ўринлар асосий мусобақаларда кўрсатилган натижаларга мувофиқ тақсимланади.

2. Агар баландликни бир неча спортчи эгаллаган бўлса, у ҳолда бунга энг кам уриниш сарфлаган спортчига устунлик берилади.

3. Бу кўрсаткичлар ҳам бир хил бўлса, мазкур мусобақада барча баландликларда (сўнгги эгалланган баландликни ҳам ҳисобга олганда) муваффақиятсиз уринишлари миқдори энг кам бўлган спортчига устунлик берилади.

4. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар бўйича ғолибни аниқлаш мумкин бўлмаса, унда қайта сакраш ўтказилади.

5. Қайта сакраш мусобақаларнинг давоми ҳисобланиб, қайдномага киритилади, муайян шахсни аниқлаш учун хизмат қиладиган натижалар рекорд сифатида тасдиқланиши ва разряд меъёрларини бажариш деб инобатга олинishi мумкин. Сакрашлар энг охириги (эгалланмаган) баландликдан бошланади, биттадан уриниш имкони берилади. Қайдномадаги ёзувларга мувофиқ баландликлар кўтарилади ёки пасайтирилади. Иштирокчи асосий мусобақаларда ўтказиб юборган баландликларига ҳам сакраши шарт. Бошқа спортчилар эгаллаган баландликни ололмаган иштирокчилар қайта сакрашдан чиқиб кетади. Бошқа спортчилар ололмаган баландликни эгаллаган иштирокчига биринчи ўрин берилади. Ғолиб аниқланганидан сўнг, қайта сакраш тўхтатилади ва унда иштирок этган бошқа сакровчиларнинг ўринлари

таксимланади. Биринчи ўринга даъво қилмаган иштирокчиларнинг кўрсаткичлари тенг бўлса ҳам ўринлар таксимланади.

III. Улоқтиришлар, ядро итқитиш, узунликка ва уч хатлаб сакрашларда

1. Дастурдаги мазкур турларнинг бирортасида майдонга чиқадиган спортчилар орасида ўринларнинг таксимланиши асосий ҳамда финал мусобақаларда 6 та уринишнинг барчасида кўрсатилган натижаларнинг энг юқориси бўйича финал иштирокчилари учун ўтказилади. Қолган барча иштирокчилар учун асосий мусобақалардаги уч уринишнинг энг яхши натижаси бўйича ўтказилади. Агар икки ёки бир неча иштирокчи бир хил натижа кўрсатган бўлса, у ҳолда ўринлар бу иштирокчиларнинг (асосий ва финал мусобақаларда) қолган уринишлардаги энг яхши натижалари бўйича таксимланади.

Малакавий мусобақаларнинг натижалари асосий мусобақаларда шахсий биринчилиқни аниқлашда ҳисобга олинмайди. Зарурият туғилганда, асосий мусобақаларга қўйилмаган иштирокчилар орасида ўринлар малакавий мусобақа натижалари бўйича таксимланади.

IV. Кўпкурашларда

1. Ҳар бир тур бўйича кўрсатилган натижалар махсус жадвал асосида очколарда баҳоланади. Якуний натижалар мазкур кўпкураш таркибига кирувчи барча турлар учун олинган очколар йиғиндисига кўра аниқланади.

2. Югуриш бўйича барча натижалар ё 0,01 сек аниқликкача, ёки (агар фотомарра бўлмаса) 0,1 сек. аниқликкача олинади.

3. Агар бир неча кўпкурашчида очколар йиғиндиси бир хил бўлса, кўпкурашнинг кўпроқ турлари бўйича рақибидан олдинда бўлган спортчига устунлик берилади. Бу кўрсаткич ҳам бир хил бўлса, кўпкурашнинг бирор тури учун очколарда энг юқори баҳо олган спортчи устунликка эга бўлади.

4. Кўпкурашнинг бир тури бўйича мусобақага келмаган (узрсиз сабаб билан) иштирокчи мусобақалардан чиқариб юборилади.

5. Ноль баҳо олиш иштирокчини мусобақадан чиқариб юбориш учун сабаб бўла олмайди.

IV. Жамоавий натижалар гуруҳи

- жамоавий ҳисоб натижаларини умумлаштириш билан шуғулланади;

- вакиллар учун пешлавҳадаги жамоавий беллашувларнинг бориши жадвалини тўлдириб боради;

- ўтган турлардан сўнг жамоаларнинг ҳолати тўғрисида маълумотлар маркази, ахборот ва таблога хабар беради;

- варақаларни материаллардан нусха кўчириш гуруҳига етказиб беради.

VI. Материаллардан нусха кўчириш гуруҳи

- мусобақанинг барча давраларига оид старт, ишчи, оралик ва якуний баённомаларини босиб чиқаради ҳамда текширади.

Мусобақаларнинг ишчи баённомалари: дастурнинг югуриш турлари учун 10 нусхада, сакраш ва улоқтиришлар учун 9 нусхада босиб чиқарилади.

Мусобақа баённомаларида куйидагилар кўрсатилади:

- мусобақаларнинг тўлиқ номи (низомга мувофиқ);

- ўтказилиш жойи ва вақти, стадионнинг номи;

- ҳар бир иштирокчининг тўлиқ фамилияси ва исми, рақами, қайси жамоага мансублиги;

- мазкур тур бўйича эришган рекорд натижалари;

- бошланғич ва кейинги олган баландликлари (баландликка ҳамда лангарчўп билан сакраш);

- шахсий (ш) ёки танловдан ташқари (тт) иштироки тўғрисидаги белги.

Мусобақа баённомалари папкаларга куйидаги тартибда жойлаштирилади:

- 1 ва 2-нусхалар нусха кўчирувчи қоғоз билан – маррага ёки полевой ҳакамлар гуруҳига;

- 3-нусха – ахборот учун;

- 4-нусха – эълонлар тахтасига;

- 5-нусха – иштирокчилар қошидаги ҳакамлар учун;

- 6-нусха – старт гуруҳига;
- 7-нусха – стадион таблоси хизматига;
- 8-нусха – шамол тезлигини аниқлаш хизматига;
- 9-нусха – фотомаррага;
- 10-нусха – котибиятнинг назорат папкасига.

Маррага ва сакраш ҳамда улоқтиришларнинг ҳар бир турига оид папкаларга финал мусобақалари бланкининг 2 нусхаси, нусха кўчирувчи қоғоз, шунингдек, мукофотлаш бланкининг 2 нусхаси солинади.

Ишчи папкада дастур тури ҳамда мусобақаларнинг бошланиш вақти кўрсатилади. Материаллар йўқотилишининг олдини олиш ва масъулиятни ошириш мақсадида материалларнинг кимга берилаётганлиги, вақти, ҳакамлар гуруҳларидан котибиятга ишчи қайдномаларнинг келиб тушиш вақти ёзиб борилади.

Материаллардан нусха кўчириш гуруҳи:

- турли хил ҳакамлик ҳужжатларини босиб чиқаради;
- якуний ҳужжатларни зарур миқдорда кўпайтиради (якуний қайдномалар шакли иловада келтирилган);
- ҳужжатларни тақдим этиш гуруҳига материалларни етказиб беради;
- ишлов берилган варақаларни архивга жўнатади.

Материаллардан нусха кўчиришда қуйидагиларни кўрсатиш зарур:

- 1) энгил атлетиканинг ушбу тури стадионда ёки ундан ташқарида ўтказилгани;
- 2) йигитлар ва қизлар гуруҳлари учун снарядларнинг оғирлиги;
- 3) барьерларнинг баландлиги ва улар орасидаги масофа;
- 4) мусобақалар бошланадиган сана, вақт, ҳаво намлиги, пойганинг бошланиши, финал натижалари;
- 5) спорт жамиятларининг қисқача белгиси:
 - ДФСОП – П;
 - “Динамо” – Д;
 - (“Меҳнат резервлари” - МР);
 - марказий ҳарбий спорт клуби – МХСК.

Маълумотлар хизмати

- котибиятда мавжуд барча ахборотни жамлайди;
- котибиятнинг матбуот маркази ҳамда ҳакамлар ҳайъатининг бошқа хизматлари билан алоқасини амалга оширади;
- олинган ахборотни манфаатдор хизматларга етказиб беради (ахборот хизмати, табло, мукофотлаш гуруҳи ва б.);
- манфаатдор томонларнинг сўровларига котибият ваколатига оид бўлган масалалар бўйича жавоб беради:
 - а) дастурнинг ҳар бир турида мусобақа натижалари;
 - б) шикоятномалар ва уларни кўриб чиқиш натижалари;
 - в) мусобақа раҳбариятининг фармойиш ва ахборотлари ва ҳ.к.

Котибият диспетчери

- котибият ичида ҳужжатларнинг ишланиши ва ҳаракатини назорат қилиб боради;
- материалларни чиқариш хизматига раҳбарлик қилади.

Енгил атлетика бўйича мусобақалар котибияти фаолияти учун зарур бўлган канцелярия молларининг тахминий рўйхати

1. Картон тезтиккичлар.
2. Девонхона пластик папкалари.
3. Девонхона картон папкалари.
4. Яқуний қайдномалар учун сифатли папкалар.
5. Картондан ясалган жамловчи қайдлов папкалари (регистратура).
6. Катта хатжилдлар (1/2).
7. В-5 хатжилдлар (1/4).
8. Катталаштирилган хатжилдлар (1/4).
9. Кичик блокнотлар.
10. Қора қаламлар.
11. Рангли қаламлар.
12. Шарикли ручкалар.
13. Шарикли ручкалар стерженлари: қора, кўк, қизил, яшил.
14. Фломастерлар: қора, кўк, қизил, яшил.
15. Фломастерлар тўплами.

16. Ҳар хил тушлар.
17. Муҳр бўёғи.
18. Муҳр ёстикчаси.
19. 0 дан 9 гача рақамларнинг штамп тўпламлари.
20. Флюид.
- 21.
22. Флюид учун эритма.
23. Авторучкалар.
24. Авторучка учун сиёҳ.
25. Қоғоз тиккич.
26. Қоғоз тикиш учун кистиргич.
27. Қоғоз тешиш мосламаси.
28. Қалам очиш учун механик мослама.
29. Девонхона қисқичи (№3).
30. Катта девонхона қисқичи.
31. Кнопкалар.
32. Кичик тўғноғичлар.
33. Микрокалькуляторлар.
34. Қайчи.
35. Қоғоз елими.
36. Елим учун мўйқалам.
37. Елимли қаламлар.
38. Ёпишқоқ тасмалар: - шаффоф; - рангли.
39. Чизғич: - 30 см; - 50 см; - 100 см.
40. Бурчак чизғичлар.
41. Девонхона губкаси.
42. Оддий ўчирғичлар.
43. Плакат перолари.
44. Мумқоғоз.
45. Қоғоз кескич.
46. Рақам урувчи машина.
47. Ротопринт бўёғи.
48. Рассомчилик гуаши.
49. Бўр.
50. Магнитли михча.
51. Хато тўғриловчи “штрих”.
52. Резиновый наплечник.
53. Писка.

54. Юкори сифатли ёзув қоғози.
55. Нусха кўчириш техникаси учун қоғоз.
56. Ватман қоғози.
57. Эълонлар учун плакат қоғози.
58. Нусха кўчириш учун қоғоз.
59. Юпқа қоғоз.

Ҳакамлик ҳужжатлари бланкалари

Енгил атлетика мусобақаларида 50 турга яқин бланклардан фойдаланилади, лекин бунча миқдордаги бланklar факат энг юкори даражадаги мусобақалар учун керак.

Ҳакамлик бланклари ўз вазифасига кўра гуруҳларга бўлинади.

Талабнома ҳужжатлар:

- талабнома (эркаклар ва аёллар учун алоҳида);
- иштирокчи варақаси (умумий, ўнкураш учун, еттикураш учун, эстафета жамоаси учун);
- иштирокчи сўровномаси, жамоа таркиби ҳақида сўровнома – маълумотнома.

Югуриш ва спортча юриш учун ҳужжатлар:

- умумий қайднома;
- финал қайдномаси;
- марра қайдномаси;
- вақт ўлчовчи қайдномаси;
- фотомарра қайдномаси;
- оралиқ вақт қайдномаси;
- давралар бўйлаб югуриш қайдномаси;
- масофадаги ҳакам қайдномаси;
- спортча юриш бўйича қайднома (ҳакамлик ёзувлари, жамловчи қайднома, услуб бўйича ҳакам қайдномаси);
- марафонча югуриш ва спортча юриш трассасида овқатланиш жойини ташкил этиш учун талабнома.

Сакраш ва улоқтиришлар учун ҳужжатлар:

- узунликка ва уч ҳатлаб сакраш бўйича 6 та уринишга, шунингдек, улоқтиришлар учун мусобақа қайдномалари;

- баландликка ва лангарчўп билан сакрашлар бўйича мусобақа қайдномаси;

Ёрдамчи ҳужжатлар:

- қўшимча талабнома – қайта талабнома бланклари;
- бошланғич баландликлар ҳақида маълумотлар;
- шамол тезлигини ўлчаш қайдномаси;
- ҳакамларнинг тайинланиш қоғози;
- мусобақа ғолиблари ва совриндорлари тўғрисида маълумотлар;
- рекордларни қайд этиш далолатномалари бланклари;
- спортчилар учун кўрсатилган натижалар ҳақида маълумотлар.

Иштирокчиларнинг рақамлари

Рақам беришнинг бир неча тизими мавжуд:

- рақам кетма-кет берилади;
- рақамлар дастурдаги алоҳида турлар ёки турларнинг гуруҳлари бўйича берилиб, бу турларнинг қўшилиши амалда ҳеч қачон юз бермайди;
- рақамлар иштирокчилар гуруҳлари бўйича берилади (масалан, оммавий кроссларда – пойгалар бўйича).

Айрим ташкилотларда иштирокчиларга (ёки жамоаларга) бутун мавсум учун ўзгармас рақамлар берилади.

Котибият учун хоналар ва уларнинг жиҳозланиши

Котибият учун ёруғ ва етарлича кенг хона ажратилиши зарур, у маррага ҳамда мусобақа ўтказилаётган бошқа жойларга яқин бўлгани маъқул.

Мебелларни шундай жойлаштириш керакки, котиб-ҳакамларнинг ҳар бири учун алоҳида ҳудудлар ажратилсин. Компьютерлар ва нусха кўчириш техникаси алоҳида ёки натижаларга ишлов бераётган ҳакамлардан чеккароққа ўрнатилади.

Имкон бўлса, бош котибга айрим хона берилади ёки умумий хонадан алоҳида жой ажратилади, чунки у бошқа котибларга ҳалал бермаган ҳолда жамоалар вакиллари билан ишлай олиши лозим. Ҳужжатларнинг ҳаракатини камайтириш, керагидан ортиқ

юришларга йўл қўймаслик учун котиблар иш схемасига мувофиқ ўринларни эгаллаши зарур. Котибиятни унинг ишига алоқадор бўлмаган шахслар ва ҳакамлардан чегаралаб қўйиш керак, бунинг учун бошқа хизматларни ҳам хоналар билан таъминлаш лозим. Котибият хонасига кириш жойи иккита бўлгани маъқул (баъзан бу сунъий равишда амалга оширилади): ҳакамлар гуруҳлари котиблари учун – кириш олдида ҳакамлик ҳужжатларини берувчи ёки қабул қилиб олувчи котиб ўтиради (унинг ўзи маълумотлар бўйича котиб вазифасини бажарида) ҳамда жамоаларнинг вакиллари учун – кириш олдида бош котиб ёки унинг муовини жойлашади.

Талабномаларни қабул қилиш ва уларга ишлов бериш

Мусобақаолди даврида бутун дастлабки тайёргарлик ишлари тугаб, бевосита мазкур мусобақа ҳужжатлари билан ишлаш бошланади.

Бош котиб иш тартибини тузиб, талабномаларни қабул қилишдан то мусобақа ҳақида ҳисоботни чиқаргунча бўлган даврда котибиятда ишлаш учун ажратилган ҳар бир ҳакамга иш жойини белгилаб беради.

Котиб ҳакамларни иккита асосий иш участкасига тақсимлаш зарур: талабномаларни қабул қилиш ва мусобақанинг ишчи ҳужжатларини тайёрлаш.

Тайёргарлик ишлари мусобақанинг барча котиб ҳакамларига кўрсатмалар бериш, уларга котибият танлаган иш тартибининг хусусиятларини, шунингдек, бутун ҳакамлар ҳайъатининг ишлаш технологиясини тушунтиришни ўз ичига олади. Бунда ҳар бир ҳакам ўз вазифаси ҳамда ҳужжатлар алмашинуви схемасини – кимдан қандай ҳужжатлар олишини, улар билан нима қилишини, кимга етказиб беришини, қандай янги ҳужжатлар тайёрлаши ва ҳ.к.ни билишига ишонч ҳосил қилиш керак.

Талабномаларни қабул қилиш ва уларга ишлов бериш – котибиятнинг келажак фаолиятидаги энг масъулиятли амаллардан бири. Бу вақтда ишнинг хусусияти уни амалга ошириш схемасига мос бўлиши лозим.

Унинг ўзига хос жиҳати – иштирокчиларни мусобақаларга киритиш учун масъул бўлган ҳайъат, котибият ҳамда хўжалик таъминоти хизмати фаолиятининг бир вақтда олиб борилишидир.

Барча гуруҳларнинг бир хонада жойлашуви жамоалар вакилларига ўз жамоаларининг мазкур беллашувда иштирок этишини тез расмийлаштириш имконини беради.

Эслатма: Халқаро мусобақалар ўтказилганда, талабномалар факс орқали юборилади. Бунда котибият талабномани вакил билан текширади, зарур бўлса, унга ўзгариш киритади ва иштирокчиларга рақамларини беради. Барча жамоаларнинг талабномалари шarti билан кечки кенгашга бутун дастур бўйича старт қайдномалари тайёрланади.

Бош котиб талабномани қабул қилаётганда унинг мусобақалар Низомига мувофиқ расмийлаштирилишини талаб қилиши шарт. Айни вақтда котибиятга иштирокчиларнинг тўлдирилган варақалари топширилади. Ҳар бир варақадаги “Заявленный натижа” устунида спортчининг дастурда мавжуд муайян номерда шу мавсумда кўрсатган энг яхши натижаси қайд этилади (айниқса, югуришда мазкур натижанинг қайд этилмаганлиги қуръа таъсир ўтказиши мумкин).

Талабномаларга ишлов берилгач, улар папкага тикилади, варақалар дастур номерлари бўйича тахланади ва мусобақанинг ишчи ҳужжатларини тайёрлаш учун тақдим этилади.

Иштирокчилар чиқишларининг кетма-кетлтгт энгил атлетика бўйича мусобақа ўтказиш халқаро қоидаларига мувофиқ аниқланади (Қоидаларга қ.).

Мусобақа ҳужжатларини тайёрлаш ва нашр этиш

Мусобақанинг барча ҳужжатлари шартли равишда уч гуруҳга бўлинади:

- мусобақаларга қадар;
- мусобақалар вақтида;
- мусобақалардан кейин босиб чиқариладиган ҳужжатлар.

Кўпгина ҳужжатларни тайёрлаш учун иштирокчининг варақаси асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Ишда қулайлик яратиш учун варақалар дастур номерларига қараб хатжилдларга жойланади ва ҳар бирининг устига дастур тури, жинси, рекордлари, разряд меъёрлари, кейинги даврага чиқиш шартлари; мазкур турда иштирокчилар сони, старт вақти ёзиб қўйилади.

Ишчи қайдномалар ҳакамлик бланкларига босиб чиқарилади ва уларда мазкур давра тўғрисидаги маълумотлар – мусобақаларнинг номи ва дастур номери, мусобаканинг бошланиш вақти, ўтказилиш жойи, рекордлар, малакавий меъёрлар ҳамда спортчиларнинг пойга (гуруҳлар, сериялар, жойлар) бўйича рўйхатлари албатта уларнинг қуръа бўйича чиқиш кетма-кетлигига кўра ёзилади.

Ишчи қайдномаларининг нусхаси старт қайдномалари ўрнида ишлатилиши мумкин.

Котибият томонидан чиқариладиган старт қайдномалари миқдори (адади) қуйидагича аниқланади:

Маъмурият	– расмий шахслар ва меҳмонлар сонига кўра;
Иштирокчи жамоаларга	– вакиллар орқали бир нусхадан чиқарилиб, умумий фойдаланиш учун эълонлар тахтасига осиб қўйилади;
Матбуот учун	– матбуот марказига барча ҳужжатлар 1-2 нусхадан жўнатилади;
Ҳакамлар ҳайъатига	– папкаларга жойланиб, гуруҳ ва хизматларнинг номи ёзиб қўйилади.

Ишчи ҳужжатларнинг тўпламлари:

- мусобақа Регламенти;
- мусобақа Жадвали;
- тоза қоғоз varaқлари;
- ишчи қайдномалар (тахминий миқдори – югуриш турларига – 9, техник турлар – 7).

Ишчи қайдномалардан ташқари ҳакамлар гуруҳлари папкаларига ҳакамлик бланклари ҳам жойланадики, улар мусобақа ўтказиш учун зарур ҳисобланади.

Масалан, маррадаги ҳакамлар гуруҳи учун:

- маррадаги катта ҳакам қайдномалари;
- катта вақт ўлчовчи қайдномалари;
- давралар бўйича югуриш ва оралиқ вақт ҳакамлари қайдномалари;
- масофадаги ҳакамларнинг ёзувлари бланклари жойланади.

Спортча юриш бўйича ҳакамлар учун – юриш бўйича ҳакамлар ёзувлари, жамловчи қайднома, услуб бўйича ҳакам қайдномаси ва ҳ.к. бланклар тахланади.

Агар иштирокчиларнинг варақаларига натижалар ҳакамлар гуруҳлари котиблари томонидан ёзилса, у ҳолда папкаларга варақали хатжилдлар ҳам жойланади, бунда гуруҳдаги котиблар сони бир нафар ҳакамга кўпайтирилади.

Папкаларнинг тахминий миқдори ва уларнинг кимлар учун тайёрланиши:

- иштирокчилар қошидаги ҳакам;
- стартёр;
- марра;
- ахборот;
- фотомарра;
- табло;
- шамол тезлигини ўлчаш;
- сакрашлар: узунликка, уч хатлаб, лангарчўп билан, баландликка;
- улоқтиришлар: ядро, диск, найза, босқон.

Ҳар қандай даражадаги мусобақада котибият эълонлар тахтасини ўрнатиши лозим.

Эълонлар тахтаси вакиллар ва спортчилар кўриши мумкин бўлган жойларда (масалан, иштирокчилар йиғиладиган жойда ва котибият яқинида) ўрнатилади.

Старт қайдномалари ва натижаларни алоҳида жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Жамоаларга оид маълумотларни Низом, Регламент, жадвал билан бир тахтага жойлаштирган маъқул.

Мусобақаларни ўтказиш

Ҳакамлар гуруҳлари котибларининг вазифа мажбуриятлари

Ҳакамлар гуруҳларининг барча котиблари котибият таркибига кирадилар, лекин ўз ҳакамлик гуруҳи ишлаётган вақтда гуруҳнинг бош ҳакамига бўйсунадилар. Уларнинг вазифаси расмий иш қайдномасини тўғри ва тўла шакллантириш, ишчи ва бошқа

материалларни котибиятга ва бошқа хизматларга бош котиб кўрсатмаларига мувофиқ равишда ўз вақтида етказишдан иборат.

Қайдномаларни шарикли ручка билан аниқ, равон ёзувда тўлдириш зарур. Барча ҳолатларда ҳисобга олинмаган уриниш “Х” белгиси билан кўрсатилади;

- уриниш ўтказиб юборилса, чизик “_____”;
- иштирокчи стартга келмаса “келмади”;
- баландлик эгалланса, “О” белгиси қўйилади.

Қайдномада натижалар қуйидаги тартибда ёзилади:

- югуриш натижаси (10000 м масофагача) автоматлаштирилган электрон аппаратларида фойдаланилганда, 0.01 сек.гача аниқлаштирилади: 10.14, 20.02, 48.11, 4:9.18;

- 10.000 м.дан юқори масофаларда 0.1 сек.гача яхлитланади. Масалан: 59:26.32 – 59:26.4 деб ёзилади.

Тўлалигича ёки қисман стадиондан ташқарида ўтказиладиган 5000 м ва ундан юқори масофаларга югуриш мусобақаларида вақт кейинги катта тўла секундгача аниқликда қайд қилинади. Масалан: 2:09:44.32 – 2:09:45.

Улоқтиришларда натижа камайтириш томон 1 см.гача яхшилаб ёзилади – 60.23.

Сакрашларда ёзув қуйидагича амалга оширилади: 7,63; 2.23; 5.55.

Агар иштирокчи натижаси қайдномага ёзилганидек кейин дисквалификация қилинса (масалан, югуришда – йўлкачадан чиқиб кетганлиги, эстафетани нотўғри узатганлиги учун), у ҳолда унинг натижаси қайдномадан ўчирилади, ёнига дастурнинг мазкур номери бош ҳақами имзо қўяди ва дисквалификация қилиш сабаби ёзилади. Ишчи қайдномада тузатишга имкон қадар йўл қўйилмайди, лекин зарурат туғилганда, илгариги натижа ўчирилиб, янгисини қайд этиш орқали ўзгариш киритиш мумкин (у котиб имзоси билан тасдиқланади).

Дастурнинг мазкур номери тугагач, ишчи қайднома бош ҳақам, котиб ва гуруҳнинг бошқа ҳақамлари, рефери томонидан имзоланади.

Рекорд натижа кўрсатилганида, ҳақамлар гуруҳи котиби рекорд бланкининг тўғри тўлдирилишини ва унинг мазкур мусобақани ўтказган гуруҳнинг барча ҳақамлари томонидан имзоланишини таъминлаши лозим.

Мусобақа (ёки навбатдаги давра) тугагач, маррадаги котиблар ҳакамларнинг барча ҳужжатларини котибиятга етказадилар. Булар:

- ҳакамларнинг ёзувлари;
- масофадаги катта ҳакамнинг қайдномалари;
- шамол тезлигини ўлчаш қайдномалари (кейин ишчи қайдномага ҳар бир пойгада шамол тезлигининг қиймати киритиб борилади);

- оралиқ маррани қайд этиш ва ҳ.к.

Узунликка ва уч ҳатлаб сакраш бўйича мусобақа ўтказаетган гуруҳ котиблари ўз мусобақалари туганидан сўнг котибиятга шамол тезлигини ўлчаш қайдномаларини топширишлари шарт.

Кўпкурашлар бўйича котиблар ўз кўпкурашчилари гуруҳини мусобақа ўтказилаётган жойларнинг ҳаммасига кузатиб борадилар, ҳар бир тур яқунланганидан сўнг беллашувларнинг бориши тўғрисидаги маълумотларни ахборот гуруҳига жўнатадилар.

Мусобақалар давомида котибиятнинг иш тартиби

Мусобақалар бошланишидан аввал ҳар куни эълонлар тахтасига мазкур смена учун қайдномалар ва жадвал осилади.

Қуръа ташлаш бошлангунига қадар вакиллар томонидан талабномаларга киритилган ўзгаришлар аниқлик киритиш деб қаралиши лозим.

Агар Низом талаблари бузилмаган бўлса, у ҳолда кўшимча талабномалар “қайта” талабномалар қабул қилинади, ишчи қайдномаларга ўзгаришлар киритилади.

Енгил атлетика бўйича мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш

ТАҚДИМОТ

РЕЖА

1. Спорт мусобақалари таснифи.
2. Мусобақалар тўғрисида Низом.
3. Мусобақаларга ҳакамлик қилиш технологияси.
4. Бош ҳакамлар ҳайъати фаолияти.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Бег на длинные дистанции: Руководство ИААФ по проведению соревнований вне стадиона / под общ. ред. В.Зеличенка. – М.: Терра-Спорт, 2003. – 64 с.
2. Легкая атлетика: Правила соревнований. 2005-2006 / МАЛФ. – М.: Терра-Спорт, 2005. – 144 с.
3. Судейство соревнований по легкой атлетике: Практическое руководство Международной любительской легкоатлетической федерации (ИААФ). – М.: Терра-Спорт; Олимпия Пресс, 2003. – 72 с.
4. Карпюк Ю.И., Кулик Я.И., Столяренко А.В. Подготовка, организация и проведение легкоатлетических соревнований. – Винница, 1990. – 44 с.
5. Лёгкая атлетика // Учебник для институтов физической культуры. Под. ред. Н.Г.Озолина, В.И.Воронкина, Ю.Н.Примакова. – М.: Физическая культура и спорт, 1989. – 671 с.
6. Шакиржанова К.Т. Енгил атлетика (мусобақа коидалари). Ўқув кўлланма. Т., Лидер Пресс, 2007, стр. 348.

Спорт мусобақаларинг тақвими

- Тақвимнинг тузилиши.
- Ҳар бир мусобақанинг ўтказилиш санаси.
- Спорт мусобақаларининг номланиши.
- Ўтказилиш жойи.
- Спорт мусобақаларининг иштирокчилари.
- Мазкур спорт мусобақаларини ким ўтказаяпти?

Вазифаси ва ғолибларни аниқлаш шартларига кўра мусобақаларни қуйидагича тақсимлаш мумкин:

- шахсий мусобақалар;
- шахсий жамоавий мусобақалар;
- жамоавий мусобақалар;
- мажмуали–жамоавий мусобақалар;

Ўтказилиш хусусиятларига кўра энгил атлетика мусобақаларини қуйидагича тақсимлаш мумкин:

- расмий биринчиликлар;
- разряд мусобақалари;
- малакавий (квалификацион) мусобақалар;
- оммавий мусобақалар;
- кубок мусобақалари;
- хотира мусобақалари;

Халқаро мусобақалар

- Олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва кубоклари;
- Қитъа, минтақа ёки худуд чемпионатлари;
- Матчлар;
- Таклиф этиш асосида ИААФ мусобақалари;
- Таклиф этиш асосида қитъа мусобақалари;
- Бошқа халқаро мусобақалар;

Мусобақалар тўғрисида Низом

1. Мусобақаларнинг мақсад ва вазифалари.
2. Мусобақаларни ўтказиш жойи ва вақти.
3. Мусобақаларга раҳбарлик қилиш ва уларни ўтказиш тизими.
4. Мусобақаларда қатнашувчи ташкилотлар ва иштирокчилар.
5. Мусобақалар дастури.
6. Шахсий ва жамоа биринчилигини ўтказиш тартиби ва шартлари, натижаларни баҳолаш тизими.
7. Мусобақа иштирокчилари ва жамоаларни қабул қилиш шартлари.
8. Ғолибларни мукофотлаш.
9. Талабномаларни тақдим этиш муддатлари ва шартлари.
10. Мусобақада допинг-назорат.
11. Молиявий таъминот.

Талабномалар

Талабнома бўлимлари (иштирокчилар фамилияси, исми, ёш тоифаси, жинси, спорт малакаси, ҳудуди, спорт ташкилоти, энг яхши натижаси, жорий йилда эришган ютуғи, мураббийлари).

- Талабнома бериш қоидалари (талабномалар расман белгиланган муддатда берилади, уларни кечиктиришга йўл қўйилмайди).
- Мусобақада қатнашиш учун бадал тўлаш.

Ҳакамлик ҳайъатлари тузилиши

- расмий шахслар.
- ҳакамлар.
- волонтерлар.

Расмий шахслар

- Ташкилот вакили (вакиллари).

- Техник вакил (вакиллар).
- Тиббиёт вакили.
- Допинг-назорат бўйича вакил.
- Халқаро техник расмий шахслар / қитъа техник расмий шахслари.
- Спортча юриш бўйича халқаро ҳакамлар / спортча юриш бўйича қитъа ҳакамлари.
- Фотомаррадаги халқаро ҳакам.
- Апелляция ҳакамлари ҳайъати.

Ҳакамлар

- Бош ҳакамлар ҳайъати.
- Ҳакамлар ҳайъати.

Бош ҳакамлар ҳайъати

- Бир мусобақалар директори.
- Бир менежер (мусобақа раҳбари).
- Бир техник менежер (техник раҳбар).
- Иштирокчиларнинг йиғилиш хонаси (жойи) учун масъул бўлган бир менежер (Рефери).

Ҳакамлар ҳайъати

- Югуриш турлари бўйича бир (ёки бир неча) Рефери.
- Техник турлар бўйича бир (ёки бир неча) Рефери.
- Кўпкураш бўйича бир (ёки бир неча) Рефери.
- Стадиондан ташқари ўтказиладиган турлар бўйича бир (ёки бир неча) Рефери.
- Югуриш турлари бўйича бир катта ҳакам ва тегишли миқдордаги ҳакамлар.

Расмий шахслар

Апелляция ҳакамлари ҳайъати

- Одатда, уч, беш ёки етти кишидан иборат.

- Ҳайъат аъзоларидан бири раис, бошқаси котиб вазибаларини бажариши керак.

- Шикоятномаларни кўриб чиқиш.

- Ҳайъат қарори ўзгармас ҳисобланади. У ўз қарорини янги, ишончли далиллар асосидагина ўзгартириши мумкин.

- Мазкур Қоидаларда тилга олинмаган масалаларнинг ҳал этилиши ҳақида ҳайъат раиси дарҳол ИААФ Бош котибига ахборот беради.

Ҳакамлар ҳайъати таркиби

- Бош ҳакам.

- Бош котиб.

- Бош ҳакам ўринбосари.

- Мусобақа котиблари.

- Стартерлар.

- Стартер ёрдамчилари.

- Маррадаги ҳакамлар.

- Вақт ўлчовчи ҳакамлар.

- Масофадаги ҳакамлар.

- Шамол тезлигини ўлчовчи ҳакамлар.

- Спортча юриш бўйича ҳакамлар.

- Сакрашлар бўйича ҳакамлар гуруҳи (2).

- Улоқтиришлар бўйича ҳакамлар гуруҳи (2).

- Иштирокчиларни ташкил этиш хизмати.

- Ахборот хизмати.

- Мусобақа ўтказиладиган жой, жиҳозлар ва асбоб-анжомларни тайёрлаш хизмати.

Малақали ҳакам:

- Мусобақа қоидаларини мукамал билиши;

- Ҳакамларнинг асосий атамаларини билиши;

- Ҳолис бўлиши, чуқур ўйлаб қарор чиқариши, хатога йўл қўймаслиги, ўз қарорларини асослаб бера олиши;

- Спортчилар курашига қизиқиб кетмаслиги;

- Мусобақага айнан тайинланган вақтда, белгиланган кийимда келиши;

- Барча буйруқларни баланд овозда аниқ қилиб бериши, иштирокчиларни чақириши, натижаларни эълон қилиши;
- Мусобақа ўтказиладиган жойларнинг тайёрлигини ўз вақтида текшириши;
- Иштирокчиларга ҳар хил йўл билан ҳалал беришларнинг олдини олиши;
- Мусобақалар узил-кесил тугаб, ҳакамлар ҳайъати мажлиси ўтказилмагунига қадар кетиб қолмаслиги керак.

Бош ҳакам фаолияти

1. Дастлабки тайёргарлик.
2. Мусобақаларни бевосита ўтказиш.
3. Мусобақаларнинг тугаши.

Техник қисм

- Техник қисмнинг мақсади – вакиллар ҳамда спортчиларга мусобақаларни ўтказиш шартлари тўғрисида оммабоп тарзда аниқ тушунча бериши, спортчиларнинг овқатланиши ва жойлаштирилиши хусусида уларни маълумотлар билан таъминлаш.

- Техник қисмни ўтказишнинг стандарт тартиби айрим (қисман) ўзгаришларга учраши, шунингдек, қуйида кўрсатилган бандлар бўйича ўзгаришлар амалга оширилиши мумкин:

- мусобақаларни ўтказиш жойи (ёки мусобақа ташкилотчилари) ўзгартирилади;

- вакиллар таркиби ёки мусобақаларнинг бошқа расмий шахслари алмаштирилади (ташкilot объектларни алмаштиради);

- мусобақаларнинг техник томонларини бюллетенда кўрсатилган ахборотлар билан, жамоаларни регламент билан таништириш (ёки тушунтириш);

- котибият ёки техник ахборот марказининг (ТАМ) иш тартиби;

- машғулотлар ва бадан қиздириш машқларини ўтказиш муддатлари (шартлари);

- айрим дастлабки пойгалар ҳамда кейинги даврага чиқиш шартлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш;

- саралаш ўтказиладиган барча техник турларда малакавий (квалификацион) меъёрлар – баландликка ва лангарчўп билан сакрашларда мусобақаларнинг дастлабки ҳамда планкани кўтариш тартиби;

- тиббий хизмат;

- допинг-назорат;

- мусобақаларнинг очилиш, ёпилиш ва ғолибларни тақдирлаш маросимлари;

- шикоятномалар бери шва апелляция хайъатига мурожаат қилиш тартиби;

- стадиондан ташқарида мусобақалар ўтказиладиган турлар (шоҳкўча бўйлаб югуриш, спортча юриш) бўйича кўрсатмалар бериш;

- овқатланиш тўғрисида ахборот (бу ерда фақат қайдномага мувофиқ овқатлантириш кўзда тутилган).

-

Ўзбекистон Енгил атлетика федерацияси

жамоаси

қатнашчиларининг _____

(жамоа

номи)

(мусобақа номи)

_____ да иштирок этишига рухсат бериш бўйича мандат хайъати

Қ А Й Д Н О М А С И

Қ	А	Й	Д	Н	О	М	А	С	И
Қат нашчилар нинг фамилияс и, исми	Т уғилга н санаси, паспор т, туғилг анлик гувоҳн	Т пор т унв они, разр яди	В илоят , шаҳа р, спорт ташк илоти	Б й ман зили	ки ш жо йи	пор т мак таби	М ураббий (лар) фамили яси, исми		

		омаси, серияс и						

Мандат
/ _____ /

ҳайъати

раиси

Мандат
/ _____ /

ҳайъати

аъзолари

/ _____ /

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги**

Ўзбекистон Енгил атлетика федерацияси

Мусобақа қайдномаларидан

КУЧИРМА

(мусобақа номи)

ўтказилиш санаси _____, ўтказилиш жойи

	Фамилияси, исми	Тур	Нати жа	Эгалл анган ўрин

Мусобақаларнинг бош ҳаками

_____ тоифали _____ ҳакам
/ _____ /

(Ф.И.О.)

Мусобақаларнинг бош котиби

_____ тоифали _____ ҳакам
/ _____ /

(Ф.И.О.)

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги**

Ўзбекистон Енгил атлетика федерацияси

**Иштирокчиларни мусобақаларга киритиш бўйича мандат
хайъати**

ҚАЙДНОМАСИ

(мусобақанинг номи)

Ўтказилиш санаси _____ . Ўтказилиш жойи _____

(жамоанинг номи)

	Иштирокчи нинг фамилияси, исми	Туғил ган санаси	Паспор т ёки туғилганлик гувоҳнома №	Сп орт унвони, разряди

Мандат _____ хайъати _____ раиси

/ _____ /

Мандат _____ хайъати _____ аъзолари

/ _____ /

/ _____ /

Ўзбекистон Енгил атлетика федерацияси

Жамоа ҳисоби қайдномаси

(мусобақанинг номи, ўтказилиш санаси)

Жамоа

номи

Иштирокчин инг фамилияси, исми	Т ур	Н атижа	Р азряд	Ҳ рин	Оч колар

Очколар жами _____

Эгалланган ўрин

Котиб _____

/ _____ /

(имзо)

Мусобақа яқунларига розиман, жамоа вакили

(имзо)

_____ /

(фамилияси)

Билимларни дастурлаштириб назорат қилиш

Мавзу: Енгил атлетика бўйича мусобақаларни ўтказишда котибият ишларини ташкил этиш

Енгил атлетика ҳакамларининг иши қуйидаги фаолият бўлимлари рўйхати шаклида тақдим этилган:

- мусобақаларга қадар;
- мусобақалар вақтида;
- мусобақалар тугаганидан кейин.

1. Ҳакамларнинг вазифасини бажариш тартибини тартиб рақамлари – 1, 2, 3, 4, 5 билан белгилаб чиқиш зарур.

2. Биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган фаолият турини кўрсатиш керак (“Имтиҳон олувчи” таблосидаги тегишли тугмача босилади: тўғри жавоб – яшил сигнал, нотўғри жавоб – кизил сигнал).

Варақа коди № 1

Бош котибнинг мусобақаларга қадар мажбуриятлари:

1. Старт баённомаларини бериш, старт ва якуний баённомаларни осиб қўйиш жойлари ва муддатларини белгилаш.

2. Фамилия ва исмлар кўрсатилган талабномаларни қабул қилиш ва кўкрак рақамларини бериш.

3. Бош ҳакамлар ҳайъати мажлислари ва вакиллар билан бўладиган кенгашларнинг баённомасини ёзиш.

4. Хужжатларнинг айланиши схемасини ишлаб чиқиш.

5. Котибият фаолиятининг тузилиши ва уни ташкил этиш схемасини ишлаб чиқиш.

Варақа коди № 2

Енгил атлетика бўйича оммавий мусобақаларни ахборот билан таъминлаш тартибини кўрсатинг.

1. Мусобақа иштирокчилари.
2. Мусобақа ўтказувчи ташкилот вакиллари.
3. Жамоаларнинг вакиллари.
4. Ҳакамлар гуруҳлари ва хизматлари.
5. Матбуот маркази.

Варақа коди № 3

Бош котибнинг бош ҳакам билан бирга бажарадиган иши:

1. Котибият учун жой ва алоқа воситаларини тайёрлаш.
2. Баённомани осиб қўйиш ва иштирокчиларнинг йиғилиши учун жой белгилаш.
3. Котибиятнинг тузилиши, ҳужжатларнинг айланиш схемасини ишлаб чиқиш.
4. Котибият ходимларини танлашда иштирок этиш.
5. “Мусобақалар учун эсдалик”ни тузишда иштирок этиш мусобақа низомини аниқлаштириш.

Варақа коди № 4

Бош котиб мусобақаларга қадар ҳал этадиган масалалар тартибини кўрсатинг.

- I. а) Мусобақа ўтказаетган ташкилот билан бирга:
 1. Мандат ҳайъати фаолиятининг жойи ҳамда вақти.
 2. Рекордлар рўйхатини тузиш ва янгилари ўрнатилганлари учун бланклар тайёрлаш.
 3. Котибият томонидан тарқатиладиган барча ахборот материалларининг шакли ва сарлавҳаси, шунингдек, уларнинг адади.
 4. Шахсий ва танловдан ташқари спортчиларни мусобақаларга кириштириш шартлари.
 5. Мусобақа Низоми ва смета билан танишиш (котибият фаолиятининг таъминланиши).

Варақа коди № 5

1. Моддий таъминот (бланklar, канцелярия буюмлари ва х.к.).
2. Мусобақа иштирокчиларининг кўкрак рақамларини аниқлаш ва тарқатиш.
3. Хужжатларни кўпайтириш усули, ёзув ҳамда кўпайтириш аппаратларини ажратиш.
4. Рекордлар рўйхатини тузиш.
5. Мусобақа Низоми ва сметаси билан танишиш.

Варақа коди № 6

1. Котибият томонидан тарқатиладиган барча ахборот материалларининг шакли ва сарлавҳаси, уларнинг адади.
2. Шахсий ва танловдан ташқари спортчиларни мусобақаларга киритиш шартлари.
3. Мусобақа Низоми ва смета билан танишиш (котибият фаолиятининг таъминланиши).
4. Моддий таъминотлар (бланklar, канцелярия буюмлари).
5. Мусобақа иштирокчиларининг кўкрак рақамларини аниқлаш ва тарқатиш.

Варақа коди № 7

Хужжатларни бериш тартибини кўрсатинг.

1. Камида 1 соат 30 дақиқа қолганда старт баённомаларини осиб кўяди.
2. Ахборот истеъмолчиларига старт ҳамда оралик баённомаларини тарқатиб беради.
3. Турли хизматларга тақдим этиш учун (ҳакамлар, ахборот хизмати, матбуот маркази ва х.к.) босма материалларини тайёрлайди ва тарқатади.
4. Иштирокчиларни мусобақаларга киритиш ҳайъатидан талабномалар ҳамда варақаларни олади, уларни текширади ва қуръа ташлашни ўтказиш, старт баённомаларини босиб чиқариш учун тақсимлайди.
5. Мусобаканинг кейинги давраси ўтказиладиган бўлса, қуръа ташлашга тайёрланади.

Варақа коди № 8

Ҳакамлар ҳужжатларини қабул қилиш тартибини кўрсатинг.

1. Ҳакамлардан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади ва уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади.

2. Мусобақанинг ўтказилган давраси баённомалари нусхаларини мусобақалар тугаганидан кейин 10 дақиқа ўтгач осиб кўяди.

3. Материалларни жамлайди (мазкур турга оид барча гуруҳлар ва давраларнинг баённомалари, варақалари).

4. Иштирокчиларни мусобақаларга киритиш ҳайъатидан талабномалар ҳамда варақаларни олади, уларни текширади ва қуръа ташлашни ўтказиш, старт баённомаларини босиб чиқариш учун тақсимлайди.

5. Мусобақанинг кейинги давраси ўтказиладиган бўлса, қуръа ташлашга тайёрланади.

Варақа коди № 9

Жамоавий натижаларни ҳисоблашда котибият бажарадиган ишлар тартибини кўрсатинг.

1. Вакиллар учун пешлавҳада жамоавий беллашувларнинг бориш жадвалини тўлдиради.

2. Жамоавий натижаларни ҳисоблаш билан шуғулланади.

3. Жамоавий биринчилик яқунларини эълон қилиш учун жамоа вакиллари билан мажлис ўтказилади.

4. Мусобақа турлари бўйича иштирокчиларнинг варақаларини йиғади.

5. Ҳисобга олинган натижаларни кўчириш ва уларнинг очколарда баҳоланишини аниқлаш билан шуғулланади.

Варақа коди № 10

Ҳужжатларни тайёрлаш.

Мусобақа ҳужжатларини тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг тўғри тартибини кўрсатинг.

1. Иштирокчиларнинг куръа ташлашдан кейин ёки қоидага кўра навбатини белгилаган ҳолда иккинчи давра старт баённомаларини тайёрлаш.

2. Барча мусобақа давраларининг натижалари кўрсатилган якуний баённомани чиқариш.

3. Спортчилар ҳақида маълумотлар бўлган дастлабки старт баённомаларини тайёрлаш.

4. Мусобақаларнинг кейинги даврасига чиққан иштирокчилар рўйхати.

5. Жамоаларнинг лицевой варақасини тайёрлаш ва расмийлаштириш.

Варақа коди № 11

Мандат ҳайъатини ўтказишда котибиятнинг иш тартиби.

1. Ҳар бир жамоа иштирокчиларига кўкрак рақамларини тарқатиш.

2. Мусобақа иштирокчиларининг варақаларини қабул қилиш.

3. Мусобақаларда иштирок этиш учун талабномаларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш.

4. Дастурдаги турлар бўйича иштирокчилар миқдорининг жамлама қайдномасини тузиш.

5. Дастурдаги турлар бўйича варақаларни жойлаштириш, жамоа вакилларининг рўйхатини тузиш.

Варақа коди № 12

Мусобақа ўтказиш тартибини кўрсатинг (югуриш).

1. 1/4 финални ўтказиш.

2. Дастлабки пойгаларни ўтказиш.

3. “Б” финалини ўтказиш.

4. “А” финалини ўтказиш.

5. Дастлабки пойгалар учун куръа ташлашни ўтказиш.

Варақа коди № 13

Баландликка сакраш мусобақаларида дала гуруҳининг иш тартибини кўрсатинг.

1. Ҳар бир мусобақа иштирокчисининг дастлабки баландлигини аниқлаштириш.

2. Мусобақа жойларининг тайёрлигини текшириш.

3. Мусобақа иштирокчиларини рўйхатга олиш, кўкрак рақамларини текшириш.

4. Иштирокчиларни уринишга чақириш, уринишга тайёрланиш ва уни бажариш вақтини назорат қилиш.

5. Ғолибни мукофотлаш ўтказиладиган жойга кузатиш.

Варақа коди № 14

Тур бўйича ҳакамлар баённомасини имзолайдиган шахслар ёнига белги (+) қўйинг.

1. Ходимлар бўйича бошлиқ (бош ҳакам) муовини.

2. Бош ҳакам.

3. Рефери (мусобақа ўтказилаётган турда бош ҳакам муовини).

4. Тур бўйича катта ҳакам.

5. Тур бўйича котиб.

6. Ўлчовчи ва майдондаги ҳакамлар.

7. Жамоа вакили.

8. Мусобақа иштирокчиси.

Варақа коди № 15

Баландликка сакраш мусобақалари.

1. Қуйидагилар қандай белгиланади (айлана ичига олинг):

- муваффақиятли уриниш;

- муваффақиятсиз уриниш;

2. Бир неча спортчининг натижалари тенг бўлган ҳолларда ғолибни аниқлаш тартибини кўрсатинг.

1. Барча баландликларда энг кам миқдорда уринишни (муваффақиятли ва муваффақиятсиз) амалга оширган спортчига устунлик берилади.

2. Мусобақани энг юкори баландликдан бошлаганга устунлик берилади.

3. Сўнгги баландликни эгаллаш учун энг кам миқдорда уринишни амалга оширган спортчи устунликка эга бўлади.

4. Мазкур мусобақалардаги барча баландликларда, жумладан, сўнгги эгалланган баландликда ҳам энг кам миқдордаги муваффақиятсиз уринишларни амалга оширган спортчига устунлик берилади.

5. Чемпионликка даъвогарлар орасида қайта сакраш ўтказиш.

Варақа коди № 16

Югуриш гуруҳи котибининг иш тартибини кўрсатинг.

1. Маррадаги катта ҳакам ёзувларига мувофиқ масофа иштирокчилар томонидан яқунланиши тартибини баённомага киритади.

2. Навбатдаги пойга иштирокчиларининг келганлигини аниқлайди (телефон орқали, иштирокчилар қошидаги хизматдан) ва манфаатдор хизматлар ходимларига маълумот беради.

3. Котибиятдан зарур ҳужжатларни олади:

- ишчи баённома;
- диспетчерлик жадвали;
- марра баённомалари.

4. Баённомани секундометрчи катта ҳакамга, маррадаги катта ҳакамга ва реферига имзолаш учун тақдим этади.

5. Катта вақт ўлчовчи ҳакамнинг ёзувларига мувофиқ равишда мусобақа иштирокчилари кўрсатган вақтни қайд этади.

Варақа коди № 17

Югуриш гуруҳи котибининг иш тартибини кўрсатинг.

1. Мусобақанинг кейинги давраси иштирокчиларини аниқлашда қатнашади.

2. Маррадаги катта ҳакамнинг ёзувларига мувофиқ масофанинг иштирокчилар томонидан яқунланиши тартибини баённомага киритади.

3. Навбатдаги пойга иштирокчиларининг келганлигини аниқлайди (телефон орқали, иштирокчилар қошидаги хизматдан) ва манфаатдор хизматларнинг ходимларига маълумот беради.

4. Котибиятдан зарур ҳужжатларни олади:

- ишчи баённома;
- диспетчерлик жадвали;
- марра баённомалари.

5. Баённомани секундометрчи катта ҳакамга, маррадаги катта ҳакамга ва реферига имзолаш учун тақдим этади.

Варақа коди № 18

Баландликка сакраш мусобақалари учун бошланғич баландликни белгилаш шартлари қандай кетма-кетликда ҳисобга олинишини кўрсатинг.

1. Баландликка сакраш бўйича ҳакамларнинг кўрсатмалари.

2. Томошабинлар ва мухлисларнинг истаклари.

3. Мусобақаларни ўтказаетган ташкилотнинг кўрсатмалари.

4. Жамоаларнинг вакиллари, мусобақа иштирокчиларининг истаклари.

5. Бош ҳакам кўрсатмаси.

Варақа коди № 19

Баландликка сакраш мусобақалари учун бошланғич баландликни белгилаш шартлари қандай кетма-кетликда ҳисобга олинишини кўрсатинг.

1. Бош котиб кўрсатмаси.

2. Баландликка сакраш бўйича ҳакамларнинг кўрсатмалари.

3. Томошабинлар ва мухлисларнинг истаклари.

4. Мусобақаларни ўтказаетган ташкилотнинг кўрсатмалари.

5. Жамоаларнинг вакиллари, мусобақа иштирокчиларининг истаклари.

Варақа коди № 20

Баландликка сакраш бўйича мусобақаларда иштирокчилар сони 2 ва ундан ортиқ бўлганда планка неча сантиметрга кўтарилишини кўрсатинг ((+) белгисини қўйинг).

1. 5 (беш) сантиметрга.
2. Камида 5 см.га.
3. 3 см.га.
4. Камида 2 см.га.
5. 1 сантиметрга.

Варақа коди № 21

Масофадаги ҳакамларнинг фаолияти. Эстафета, кросс.

1. Пойгадаги қоидага ҳилоф ҳолатлар тўғрисида баённома тайёрлаш.
2. Кроссда трассанинг ёки эстафета югуришда узатиш зонасининг тайёрлиги тўғрисида маррадаги катта ҳакамга сигнал бериш.
3. Оралиқ вақтни қайд этиш.
4. Мусобақалар бўйича шикоятнома ва эътирозларни таҳлил қилиш.
5. Югуриш трассасининг кейинги пойгага тайёрлигини текшириш.

Варақа коди № 22

Секундометрчи ҳакамлар фаолияти.

1. Пойга ғолибининг вақтини аниқлаш.
2. Катта секундометрчининг баённомага ёзиб қўйиши.
3. Пойганинг барча иштирокчилари кўрсатган вақтни аниқлаш.
4. Секундомерларни фойдаланишга тайёрлаш (бураб туриш, милини “0”га тўғрилаш).
5. Давралар бўйлаб югуришда пешкадамнинг вақтини қайд этиш (кроссда).

Варақа коди № 23

Кросс мусобақаларида масофа бошлиғининг фаолияти.

1. Кросс масофасида марра жойини белгилаш.
2. Югуриш йўналишини кўрсаткич ва белгилар қўйиб чиқиш.
3. Трассага байроқчалар қўйиб чиқиш.
4. Кросс бўйича мусобақалар ўтказиладиган айланасимон ёки ёпиқ эгри чизикли трасса узунлигини ўлчаш.
5. Ҳар хил масофалар учун старт жойини белгилаш.

Варақа коди № 24

1. Кросс масофаларида старт жойини белгилаш.
2. Кросс трассасининг ўлчангани тўғрисидаги далолатномани тайёрлаш ва тасдиқлаш.
3. Кросс масофасига белгилар қўйиш (кўрсаткичлар, байроқчалар).
4. Мусобақа ўтказиладиган жойда айланасимон ёки ёпиқ эгри чизикли масофани ўлчаш.
5. Кросс масофаларида марра жойини белгилаш.

Варақа коди № 25

Кроссда қатнашадиган жамоа вакилининг фаолияти.

1. Нома-ном ва техник талабномани тайёрлаш ва уни котибиятга топшириш.
2. Мусобақа иштирокчиларига кўкрак рақамларини тақсимлаш.
3. Кросс мусобақалари низоми билан таништириш.
4. Пойгаларда кўрсатилган вақтни қайд этиш.
5. Иштирокчиларнинг шикоятномалари ва қайта талабномасини тақдим этиш.

Варақа коди № 26

1. Мусобақаларда жамоа биринчилигини ҳисоблаш.
2. Ўз жамоасидаги мусобақа иштирокчилари варақаларини тайёрлаш ва котибиятга топшириш.

3. Шикоятномаларни ёзиш ва уларни бош ҳакамлар ҳайъатига тақдим этиш.
4. Ўз жамоасидаги энг яхши югурувчини аниқлаш.
5. Спортчиларга мусобақа шартларини тушунтириш.

Варақа коди № 27

Стартадаги ҳакамлар гуруҳининг фаолияти.

1. Стартага чиққан спортчилар миқдорини ҳисоблаб, баённомани имзолаш.
2. Мусобақа шартларини тушунтириш.
3. Пойга иштирокчилари кўкрак рақамларининг баённомага мувофиқлигини текшириш.
4. Югуришни бошлаш учун сигнал бериш (“Старта”, “Марш” ёки старт тўппончасидан ўқ узиш).
5. Кейинги пойга стартини учун рухсат сўраш.

Варақа коди № 28

Маррадаги ҳакамлар фаолияти.

1. Югурувчиларнинг маррага етиб келиш тартибини қайд этиш.
2. Кейинги пойга стартини рухсат этувчи сигнал бериш (байроқча ёки чирок билан).
3. Масофани югуриб ўтишда давраларни санаш.
4. Маррадаги катта ҳакам баённомасига ёзув киритиш.
5. Масофадаги ҳакамлардан эътирозлари билдирилган ёзувларни йиғиб чиқиш.

Варақа коди № 29

Мусобақа ўтказаятган ташкилот вакиллари.

1. Сарф-ҳаражатлар сметаси, бош ҳакамни тайинлаш тўғрисидаги буйруқни тайёрлаш.
2. Мусобақа тақвимини тасдиқлаш.
3. Мусобақа низомини тузиш ва тасдиқлаш.
4. Ҳакамлар ҳайъатини канцелярия буюмлари билан таъминлаш, совринлар ва ёрлиқларни тайёрлаш.

5. Бош ҳакамлар ҳайъатидан мусобақа яқунлари тўғрисидаги ахборотни, мусобақа ҳақидаги ҳисоботни қабул қилиб олиш.

Варақа коди № 30

Қайси фаолият тури ҳакамларнинг мажбуриятига кирмаслигини аниқланг.

Стартдаги ҳакамлар.

1. Иштирокчилар кўкрак рақамларининг баённомадаги ёзувга мувофиқлигини текшириш.

2. Маррадаги катта ҳакамдан кейинги пойга стрти учун рухсат сўраш.

3. Пойга иштирокчилари сонини ҳисоблаш ва баённомани расмийлаштириш.

4. Мусобақа иштирокчисини старт баённомасига ёзиб кўйиш.

5. Югуришни бошлаш учун “Марш” сигналинини бериш.

Варақа коди № 31

Бош ҳакам.

1. Ҳакам ходимларни тайёрлаш.

2. Мусобақани ўтказиш дастурини ёзиш.

3. Мусобақалар давомида шикоятномаларни таҳлил қилиш.

4. Мусобақа низомини тайёрлаш ва тасдиқлаш.

5. Мусобақа тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш.

Варақа коди № 32

Бош котиб.

1. Мусобақа баённомаларини тайёрлаш.

2. Мандат ҳайъатининг ўтказишда қатнашиш – талабномаларни тасдиқлаш.

3. Мусобақа низомини тайёрлаш.

4. Мусобақанинг ишлов берилган баённомаларини қабул қилиш.
5. Диспетчерлик жадвалини тасдиқлашда қатнашиш.

Варақа коди № 33

Маррадаги ҳакам.

1. Пойга иштирокчиларининг маррага етиб келиш тартибини аниқлаш.
2. Узоқ масофаларга югуришда давралар миқдорини ҳисоблаш.
3. Навбатдаги стартга рухсат бериш учун светофорни ишга тушириш.
4. Пойга ғолибининг вақтини аниқлаш.
5. Югуриш баённомасини расмийлаштириш.

Варақа коди № 34

Масофадаги ҳакамлар.

1. Югуриш трассасининг тайёрлигини текшириш.
2. Жамоалар вакилларининг шикоятномаларини таҳлил қилиш.
3. Пойга иштирокчиларига эътирозларни баённомаларга ёзиб қўйиш.
4. Мусобақа пешқадамининг оралиқ вақтини аниқлаш.
5. Маррадаги катта ҳакам билан кенгашиш.

ИЛОВАЛАР

1-илова

**ОЗИБЎМ ва БЎСМлар орасида энгил атлетика
бўйича 36 – Ўзбекистон биринчилиги**

Тошкент ш., 10-12 сентябрь.

Жамоалар етиб келадиган кун – 9 сентябрь

Мусобақаларда ОЗИБЎМ, БЎСМ, мажмуали спорт мактаблари энгил атлетика бўлимлари, ДФСО ҳамда идоралар ўқув-машқ гуруҳларининг (енгил атлетика спорт мактаблари ва бўлимлари бўлмаган жойларда) терма жамоалари иштирок этадилар. Мусобақаларда 1992-1995 йилларда туғилган йигитлар ва қизлар қатнашишлари мумкин.

Биринчи гуруҳ жамоасининг таркиби: 25 киши, шу жумладан, 22 нафар спортчи (улардан камида 10 нафари 1994-1995 йилларда туғилган), вакил, 2 мураббий; иккинчи гуруҳ жамоаси таркиби – 14 киши, жумладан, 12 нафар спортчи (улардан камида 6 нафари 1994-1995 йилларда туғилган), вакил, мураббий.

1996 йилда туғилган ва ундан ёшроқ спортчилар мусобақаларга қўйилмайдилар.

Мусобақа дастурлари

Тошкентда яшовчи спортчилар фақат Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган спорт мактаблари учун иштирок этишлари мумкин (вилоят спорт мактаблари учун иштирок эта олмайдилар).

Йигитлар: 100, 200, 400, 800, 1500, 3000 м га югуриш; 110 м га барьерлар оша югуриш (баландлиги 91,4 см, оралиғи 9,14 м), 400 м га барьерлар оша югуриш (баландлиги 84 см оралиғи 35 м); баландликка, узунликка, уч ҳатлаб сакраш, ядро иткитиш (5 кг), диск (1,5 кг), найза (700 гр), босқон (5 кг) улоқтириш, саккизураш (1-кун – 100 м га югуриш, узунликка сакраш, ядро иткитиш (5 кг), 400 м га югуриш; 2-кун – 110 м га барьерлар оша югуриш (баландлиги 91,4 см, оралиғи 9,14 м), баландликка сакраш, найза улоқтириш (700 гр), 1000 м га югуриш, 10 км га спортча юриш, 100+200+300+400 м га эстафетали югуриш.

Қизлар: 100, 200, 400, 800, 1500, 3000 м га югуриш, 100 м га барьерлар оша югуриш (баландлиги 76,2 см, оралиғи 8,50 м), 400 м га барьерлар оша югуриш (баландлиги 76,2 см, оралиғи 35 м), баландликка, узунликка, уч ҳатлаб сакраш, ядро иткитиш (4 кг), диск улоқтириш (1 кг), найза (600 гр), босқон улоқтириш (4 кг);

еттикураш (1-кун – 100 м га барьерлар оша югуриш (балидлиги 76,2 см, оралиги 8,50 м), балидликка сакраш, ядро иткитиш (3 кг), 200 м га югуриш; 2-кун – узунликка сакраш, найза улоқтириш (600 гр), 800 м га югуриш, 5 км га спортча юриш, 100+200+300+400 м га эстафетали югуриш.

Дастурдаги хар бир турга кўпи билан икки кишини кўрсатиш мумкин. Жамоанинг хар бир аъзоси дастурдаги фақат битта турда ва эстафетада жамоа биринчилиги ҳисоби учун, истаса, дастурдаги иккинчи турда шахсий биринчиликда қатнаша олади. Жамоа биринчилиги жамоа иштирокчилари томонидан тўпланган энг кўп миқдордаги очколарга кўра аниқланади.

Биринчи гуруҳ жамоалари учун жамоа биринчилиги ҳисобига 3 разряддан кам бўлмаган энг яхши 20 та натижа киритилади.

Шу жумладан:

- спринт + барьерлар гуруҳи бўйича камида 4 натижа;
- чидамлик гуруҳи бўйича камида 4 натижа;
- сакрашлар гуруҳи бўйича камида 4 натижа;
- улоқтиришлар + кўпкураш гуруҳи бўйича камида 4 натижа;
- ва ихтиёрий 4 натижа.

2-гуруҳ жамоалари учун – 3 разряддан паст бўлмаган 10 та (исталган) энг яхши натижа.

Мусобақалар дастурида 1994-1995 йилларда туғилган йигит ва кизлар орасида Ўзбекистон шахсий чемпионати ўтказилади: йигитлар – диск (1 кг), босқон улоқтириш (4 кг); кизлар – диск (750 гр), босқон улоқтириш (3 кг), бу 2009 йил 4-5.09 да Самарқанд шаҳрида 1994-1995 йилларда туғилган йигит-кизлар орасидаги Ўзбекистон биринчилигида ўтказилмаган эди.

Дастурдаги турлар бўйича 1-3 ўринларни эгаллаган спортчилар ЎзР Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг тегишли даражадаги медал ва дипломлари билан тақдирланади.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ бўйича 1-3 ўринларни эгаллаган жамоалар ЎзР Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг тегишли даражадаги Кубок ва дипломлари билан тақдирланади.

Мусобақаларда қатнашиш, жумладан, мусобақа кунларида овқатланиш ҳамда жойлашиш билан боғлиқ барча сарф-харажатлар иштирок этаётган ташкилотлар ҳисобидан бўлади.

Мусобақаларни ўтказиш билан боғлиқ барча ҳаражатлар (спорт базасини ижарага олиш, мукофотлаш, ҳакамлар, шифокор, радист, мусобақа ўтказиладиган жойларни, асбоб-ускуна ва жиҳозларни тайёрловчи ходимларнинг овқатланиши) ЎзР Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳисобидан амалга оширилади.

Мусобақа иштирокчиларига рухсат бериш билан шуғулланувчи мандат ҳайъати енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабида 9 сентябрь куни соат 11.00 дан 15.00 гача иш олиб боради (Тошкент ш., Навоий кўч., 30-уй, 1-қават, 10-хона, тел. 244-92-14, 232-62-36).

2-илова

**Ўзбекистон очик чеиониати
Тошкент ш., 24-26 сентябр, Тошкент Тиббиёт академияси
стадиони**

Жамоалар етиб келадиган кун – 23 сентябр

Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари терма жамоалари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг икки жамоаси иштирок этади.

Биринчи гуруҳ жамоасининг таркиби – 23 киши, жумладан, 20 нафар спортчи, вакил, 2 мураббий.

Иккинчи гуруҳ жамоасининг таркиби – 12 киши, жумладан, 10 нафар спортчи, вакил, мураббий.

Мусобақаларда 1993 йилда туғилган ва ундан катта ёшли спортчилар қатнашиши мумкин.

Мусобақа дастури

Эркаклар – 100, 200, 400, 800, 1500, 10000 м га югуриш, 110 м га барьерлар оша югуриш, 400 м га барьерлар оша югуриш, 4x100 м га эстафетали югуриш, баландликка, узунликка, уч ҳатлаб, лангарчўп билан сакраш, диск, босқон, найза улоқтириш, ўнкураш, 20 км га спортча юриш.

Аёллар – 100, 200, 400, 800, 1500, 3000, 5000 м га югуриш, 110 м га барьерлар оша югуриш, 400 м га барьерлар оша югуриш, 4x100 м га эстафетали югуриш, баландликка, узунликка, уч ҳатлаб сакраш, ядро иткитиш, диск, босқон, найза улоқтириш, еттикураш, 10 км га спортча юриш.

Дастурдаги ҳар бир турга кўпи билан икки спортчини ва бир эстафетани кўрсатиш мумкин. Ҳар бир спортчи дастурнинг икки тури ҳамда эстафетада қатнаша олади. Жамоа биринчилиги жамоа иштирокчилари тўплаган энг кўп очколар миқдорига кўра аниқланади.

Биринчи гуруҳ жамоалари учун жамоа биринчилиги ҳисобига 25 та энг яхши натижа, жумладан иккита эстафета киритилади. Иккинчи гуруҳ жамоалари учун – 12 та натижа, жумладан, камида

бир эстафета киритилади. Очколар ҳисоби ИААФнинг 2008 йилдаги натижаларни баҳолаш жадвали бўйича олиб борилади.

Дастурдаги ҳар бир тур бўйича ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг совринлари, медаллари ҳамда биринчи даражали дипломлари билан тақдирланадилар.

2-3-ўринларни эгаллаган спортчилар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг медаллари ва тегишли даражадаги дипломлари билан тақдирланадилар.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ бўйича 1-3-ўринларни эгаллаган жамоалар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Кубоклари ҳамда тегишли даражадаги дипломлари билан тақдирланадилар.

Жамоаларнинг мусобақаларда иштирок этиши билан боғлиқ барча сарф-харажатлар (йўл харажатлари, мусобақа кунларида овқатланиш, жойлашиш) хизмат сафарига жўнатган ташкилот ҳисобидан бўлади.

Мусобақаларни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар (спорт базасини ижарага олиш, мукофотлаш, ҳакамлар, шифокор, радист, мусобақа ўтказиладиган жойларни, асбоб-ускуна ва жиҳозларни тайёрловчи ходимлар овқатланиши) Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳисобидан амалга оширилади.

Мусобақа иштирокчиларига рухсат бериш билан шуғулланадиган мандат ҳайъати енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабида 23 сентябр куни соат 12.00 дан 15.00 гача, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун 11.00 да иш олиб боради (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 1-қават, 10-хона, тел. 244-92-14, 232-62-36).

3-илова

1994-1995 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги

Самарқанд шаҳри, 4-5 сентябр, ЦПОР стадиони

Жамоалар етиб келадиган кун – 3 сентябр

Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари терма жамоалари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг иккитадан жамоа иштирок этади.

Биринчи гуруҳ жамоасининг таркиби – 18 киши, жумладан, 15 нафар спортчи, вакил, 2 мураббий.

Иккинчи гуруҳ жамоасининг таркиби – 10 киши, жумладан, 8 нафар спортчи, вакил, мураббий.

Мусобақаларда 1993-1994 йилларда туғилган ўсмир болалар ва қизлар иштирок этадилар.

Бундан ёшроқ спортчиларнинг мусобақаларда, жумладан, танловдан ташқари катнашишларига йўл қўйилмайди.

Мусобақа натижаларига кўра Бишкек шаҳрида 2-4 октябр кунлари ўтказиладиган йигит ва қизлар ўртасидаги Марказий Осиё мамлакатлари халқаро мусобақаларида иштирок этиш учун Ўзбекистон терма жамоаси ташкил этилади.

Мусобақа дастури

Ўғил болалар: 100, 200, 400, 800, 1500, 3000 м га югуриш, 110 м га барьерлар оша югуриш (баландлиги 91,4 см, оралиғи 8 м 80 см), 400 м га барьерлар оша югуриш (баландлиги 76,2 см оралиғи 35 м), 100+200+300+400 м га эстафетали югуриш, узунликка, уч ҳатлаб, баландликка сакраш, ядро иткитиш (4 кг), найза улоқтириш (600 гр), 5 км га спортча юриш, учкураш – 110 м га барьерлар оша югуриш (баландлиги 91,4 см, оралиғи 8 м 50 см), ядро иткитиш (4 кг), баландликка сакраш.

Қизлар: 100, 200, 400, 800, 1500, 3000 м га югуриш, 100 м га барьерлар оша югуриш (баландлиги 76,2 см, оралиғи 8 м 25 см), 400 м га барьерлар оша югуриш, 100+200+300+400 м га эстафетали

югуриш, узунликка, баландликка, уч хатлаб сакраш, ядро иткитиш (3 кг), найза улоқтириш, 5 км га спортча юриш, учкураш – 100 м га барьерлар оша югуриш (баландлиги 76,2 см, оралиғи 8 м 25 см), ядро иткитиш (3 кг), баландликка сакраш.

Дастурнинг ҳар бир турига икки киши ва бир эстафетадан кўрсатиш мумкин.

Ҳар бир спортчи дастурнинг кўпи билан икки тури ва эстафетада чиқиши мумкин.

Жамоавий биринчилик жамоа аъзолари томонидан тўпланган энг кўп очколар миқдорига кўра аниқланади.

Жамоавий биринчилик ҳисобига камида 3 разряд натижалари киритилади, биринчи гуруҳ жамоалари учун – 18 та энг яхши натижа, иккинчи гуруҳ жамоалари учун – 10 та энг яхши натижа.

Очколарни ҳисоблаш ИААФнинг 2008 йилдаги натижаларни баҳолаш жавдвали асосида амалга оширилади.

Дастур турлари бўйича 1-3-ўринни эгаллаган спортчилар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг тегишли даражадаги медаллари ва дипломлари билан тақдирланадилар.

Жамоаларнинг мусобақаларда иштирок этиш учун жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатлар (йўл харажатлари, овқатланиш ва жойлашиш) хизмат сафарига жўнатган ташкилот ҳисобидан амалга оширилади.

Мусобақаларни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳисобидан бўлади (спорт базасини ижарага олиш, бошқа шахарлик ҳакамлар, йўл ва яшаш харажатлари, бошқа шахарлик ва маҳаллий ҳакамлар, шифокор, радист, мусобақа жойларини, ҳамда асбоб-ускуналар ва анжомларни тайёрловчи ходимларнинг овқатланиши).

Тошкент шаҳри, Маданият ва спорт ишлари бўйича шаҳар бошқармалари 15 августга қадар Самарқанд вилояти Маданият ва спорт ишлари бошқармасида жамоанинг миқдорий таркибини кўрсатган ҳолда мусобақада иштирок этиши тўғрисида расман тасдиқдан ўтишлари керак.

Мусобақа иштирокчиларига рухсат бериш билан шуғулланувчи мандат ҳайъати ЦПОР стадионининг ҳакамлар хонасида 3 сентябр куни соат 14.00 дан 16.00 гача иш олиб боради.

Мандат ҳайъатига ҳар бир иштирокчининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси асл нусхасини, шунингдек, яшаш жойидан фотосурати ва муҳри бўлган маълумотномаларни тақдим этиш шарт.

Самарқанд шаҳрида босқон ва диск улоқтириш мусобақаларини ИААФ қоидаларига мувофиқ ўтказиш учун шароит йўқлиги сабаби 1994-1995 йилларда туғилган ўсмир болалар ва қизлар орасида босқон ва диск улоқтириш бўйича Ўзбекистон шахсий биринчилиги Тошкент шаҳрида 10-12 сентябр кунлари ОЗИБЎМ ва БЎСМлар орасида енгил атлетика бўйича 36-Ўзбекистон биринчилиги ўтказилади.